БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 66 (3294).

2 апрель ШАНБА 1966 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Бугун Москвада КПСС XXIII съезди бешинчи кун ўз ишини давом эттиради.

СЪЕЗДГА МЕҲНАТ РАПОРТЛААРИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Ташзаготхлопколуб» трести коллективи партиямиз XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб янги беш йиллиннинг дастлабки квартал топшириғини муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти берди.

Эришилган муваффақиятларга Алимкент пахта заводи, Юқори Чирчиқ луб заводи коллективлари айниқса катта ҳисса қўшдилар. Бу корхоналар аҳли барча имкониятларни ишга солиб ва ички резерваларни қидириб топиб тайёрланаётган толалар сифатини яхшилашга, таннархини арзонлаштиришга эришмоқдалар.

Трест коллективи экспорт учун толалар тайёрлашни ҳам яхши йўлга қўйган. Утган ойлар давомида трест корхоналарида қўшимча равишда 400 тонна пахта толаси экспорт учун тайёрланди. Коллектив апрель ойини ҳам муваффақиятли бошлади.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Жонажон партиямизнинг тарихий XXIII съезди ўз ишини давом эттираётган шу кунларда редакциямизга саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, савдо коллективларидан меҳнат рапортлари тўхтовсиз келиб турибди. Бу рапортларда улуғ беш йиллик биринчи йилнинг дастлабки квартали плани муваффақиятли адо этилганлиги ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилинади.

Кеча Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасидан ҳам хушхабар олдик.

— Бошқармамиз ходимлари съезд очилган кунни квартал планини бажариш билан кутиб олган эдилар, — деб маълум қилди шаҳар умумий овқатланиш бошқармасининг бошлиги ўртоқ А. Сутягина. — Муддат охиригача суръатни бўшаштирмай ишладик: пойтахт аҳолисига пландан ташқари 600 минг сўмлик кўп маҳсулот сотилди.

ХУШХАБАРЛАР

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинати коллективи катта зафар қучди. Тўқимачилар КПСС XXIII съезди шарафига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини 28 мартда шараф билан адо этдилар. Йил бошидан бери планга қўшимча равишда 300 минг метр тайёр газлама ва 160 минг метр бўз газлама ишлаб чиқарилди. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 1,4 процентга ошди.

ЎРТА Осиё темир йўл бошқармасига қарашли Тошкент темир йўл бўлинмаси транспортчилари эришган муваффақият ҳам диллари қувонтиради. Пўлат из чавандозлари халқ хўжалиги юкларини ташиш квартал топшириғини барвақт адо этиб қўйдилар. Улар ўтган ойлар — давомида планга қўшимча равишда 20 минг тонна юкни жойларга элтиб беришди. Коллектив квартал охиригача қўшимча яна 39 минг тонна юк ташиш ҳамда 537 тонна ёқилғини тежаш учун курашмоқда.

ТОШКЕНТ ипакчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари съездолди социалистик мусобақасини қизитиб ойлик топшириқни шараф билан бажардилар. Коллектив квартал охиригача қўшимча 25 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 3 тонна пиллани тежаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1 апрелда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади билан КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилмоқда.

Эрталабки мажлисда КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари К. К. НИКОЛАЕВ, ВЦСПС раиси В. В. ГРИШИН, Иваново тўқув-йигирув фабрикасининг тўқувчиси З. П. ПУХОВА (Иваново партия ташкилоти), ёзувчи М. А. ШОЛОХОВ (Ростов партия ташкилоти) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Сўнгра, делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари: Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет раисининг ўринбосари ЦОЙ ЕН ГЕН, Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ЮМЖАГИЙН ЦЕДЕНБАЛ ўртоқлар съездни табрикладилар.

Шундан кейин, КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади билан КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ю. ОХУНДОВ, Косиор номидаги 1-шахта комплекс бригадасининг бошлиғи С. И. ВОРОТНИКОВ (Луганск партия ташкилоти), Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. ОВЕЗОВ ўртоқлар қатнашдилар.

Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети аъзоси НГУЕН ТХИ БИНЬ хоним минбарга чиққанида, делегатлар билан меҳмонлар уни қизғин кутиб оладилар. Нгуен Тхи Бинь хоним Америка агрессорларига қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган Жанубий Вьетнам халқидан съезд делегатларига қутлов топширади ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети президиумининг раиси доктор Нгуен Хиу Тхонинг КПСС XXIII съезди номига йўллаган телеграммасини ўқиб берди.

Нгуен Тхи Бинь хоним Жанубий Вьетнамнинг курашаётган халқи билан Совет Иттифоқи халқлари бирдамлиги ва бузилмас дўстлигининг рамзи сифатида съезд президиумига байроқ топширади.

Съезд делегати, Москвадаги алюминий қотишмалари заводининг эритувчиси И. Д. Грешнев қаҳрамон шаҳар Москва ишчилари ва барча меҳнаткашлари номидан Жанубий Вьетнам Миллий озодлиқ фронтининг делегациясига мурожаат қилиб, жўшқин нутқ сўзлади. У, Нгуен Тхи Бинь хонимга В. И. Ленининг портрети тасвирланган байроқ топширди.

Нгуен Тхи Бинь хоним табриклар ва совға учун москвликларга қизғин миннатдорчилик билдирди ва уларга янги-янги катта муваффақиятлар тилади.

Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилиш давом этди.

Мажлисда СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. КЕЛДИШ, СССР Мудофаа министри Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. БОДЮЛ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Шундан кейин делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинган чет эл коммунистик партияларининг вакиллари: Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Ижроия комитетининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Александр РАНКОВИЧ, Чили Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Луис КОРВАЛАН ўртоқлар съездни табриклаб нутқ сўзлади.

Пионерлар горни садолари янграйди. Залдагиларнинг қарсаклари остида ёш пионерлар кўриб келадилар. Делегатлар ва меҳмонлар ўринларидан туриб ленинчи ўринбосарларни қарши оладилар. Пионерлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съездини табриклайдилар.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ

31 МАРТ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИС

Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди уч кундан буён ўз ишини давом эттирмоқда. Мамлакатимиз коммунистларининг энг кўп вакиллар қатнашаётган бу йиғинида партия ва халқ учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган проблемалар муҳокама қилинмоқда.

31 март эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади ва Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади юзасидан музокаралар давом этди.

Раислик қилувчи **К. Т. Мазуров** Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Е. Кочинянга** сўз беради.

Мамлакатимиз ҳаётида XXII съезддан кейин ўтган тўрт йиллик даври, дейди ўртоқ Кочинян, ниҳоятда муҳим воқеаларга жуда бой бўлди. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми шу воқеалар ичида энг асосий воқеа эди. Партия субъективизм кўринишларини ва масалаларни ҳал килишга ўзбошимчалик билан ёндошишни қоралаб, партия турмуши нормаларини янада демократлаштириш, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига раҳбарлик қилишни такомиллаштириш соҳасида улкан ишларни амалга оширди. КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумлари қарорларида масалаларни ҳал қилишда янгича ижодий ёндошиш ўз аксини топди.

Бу тадбирларнинг нақадар самарали таъсир ўтказганлигини Совет Арманистони мисолида кўриш мумкин. Худди шу тадбирлар республикада саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишни таъминлади ҳамда етти йилликни муваффақиятли якунлашга ёрдам берди. Етти йил ичида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми икки баравар ўсди, миллий даромад 78 процент ошди, 300 дан ортиқ саноат корхоналари ва цехлар қурилди ҳамда ишга туширилди.

Республика меҳнаткашлари кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда анчагина муваффақиятларга эришдилар. Ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий турларини тайёрлаш плани муваффақиятли бажарилди.

Республика экономикасининг гуркираб ривожланиши Арманистонда фан, маданият ва санъатнинг янада равнақ топишига шароит яратиб берди.

Совет Арманистонининг эришган ютуқларидан ҳозирги вақтда фақат республикамиз меҳнаткашларигина эмас, балки чет элларда яшаётган жуда кўп арманлар ҳам қонуний равишда фахрланмоқдалар. Аччиқ тарихий тақдирнинг амри билан чет элларга бориб қолган кўпгина ватандошларимиз эндиликда жонажон юртларига, Совет ҳокимияти қайтадан тиклаган Арманистон давлати территориясига қайтиб келиш имконятига эга бўлдилар.

Арманистон коммунистлари ўзларининг XXIV съездида қилинган ишларга якун ясадилар, республиканинг хўжалик ва маданий қурилишда эришган ютуқларини қайд қилдилар, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидан Директивалар лойиҳасини муҳокама қилдилар. Съездда фақат ютуқлар қайд қилиниб қолгани йўқ. Республикамизда ҳали паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган, планни, маҳсулот таннархини пасайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармаётган корхоналар анчагина бор. Капитал маблағлардан ва асосий фондлардан оқилона фойдаланмаслик фактлари ҳали бизда учраб турибди; ишга туширилиши керак бўлган бир қанча муҳим объектларнинг қурилиши чўзиб юборилмоқда, ишлаб чиқариш қувватлари ўз вақтида ишга туширилмаётир ва сусткашлик билан ўзлаштирилмоқда.

Совет халқи коммунистик жамият қуриш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди. Ўз мамлакати ва ундаги барча бойликларга хўжайин бўлиш иссига эга бўлган, жамият мулкини сақлаш ва кўпайтириш учун ўз масъулиятини англайдиган жасур кишилар авлоди етишиб чиқди. Аммо бир авлод иккинчи авлоддан ана шу барча маънавий сифатларни мерос қилиб олиши ва уларни янада ривожлантирилиши учун биз янги кишини — коммунистик эртамиз кишисини тарбиялаш соҳасида тинмай иш олиб боришимиз керак. Ҳозир бизда совет кишиларини марксизм-ленинизм ғояларига, совет ватанпарварлигига, пролетар интернационализмига содиқлик руҳида, халқлар дўстлиги ва биродарлиги руҳида тарбиялашдан ҳам кўра муҳимроқ ва олижаноб вазифа йўқдир. Коммунистик партия Совет Иттифоқидаги кўп миллатли халқларимизнинг ана шу дўстлиги ва жипслигини кўз қорачиғидек асрамоқда.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида ташкилий-партиявий ишларни тубдан яхшилаш ва КПСС Уставига баъзи ўзгартишларни киритиш тўғрисида жиддий таклифлар айтиб ўтилди. Биз бу таклифларни қўллаб-қувватлаймиз, дейди нотиқ.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси **Н. В. Подгорний** минбарга чиқади.

— Партия съездлари бораётган кунларида, — дейди ўртоқ Подгорний, — партиямиз олиб борган ишларнинг жуда катта миқёсларн айниқса чуқур ҳис этилади ва ўзининг бутун улуғворлиги билан намоён бўлади. Биз тўла асос ва ғурур билан шуни айта оламизки, КПСС коммунистик жамият қуришнинг ленинча йўлидан оғишмай олға бормоқда.

Биз кейинги тўрт йил ичида Совет мамлакати янада бойиди ва қудратли бўлиб қолди, бизнинг иқтисодий ва давлат тузумимиз янада мустаҳкамланди, дейиш учун тўла асосга эгамиз. Бу муваффақиятларга шаҳар ва қишлоқлардаги, Коммунистик партия байроғи остида бирлашган миллионлаб меҳнаткашларнинг куч ва ғайрати туфайли эришилди. Булар партия, давлат ва жамоат ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ишларининг маҳсулидир.

Бироқ, биз коммунистлар эришилган муваффақиятлар тўғрисида юксалишимиз истиқболларини тўғри аниқлаб олиш учун зарур бўлган меёрдагина ғапиришга одатланганмиз. Марказий Комитет худди шу одатга амал қилиб, ўзининг ҳисобот докладида мамлакатдаги аҳволга ҳар томонлама объектив баҳо берди. Мавжуд қийинчилик ва камчиликлар тўғрисида ошкора айтилди. Улар белгиланган планларимизни тўла амалга оширишимизга имкон бермади. Маълумки, бунда объектив сабаблар билан бирга, мамлакат ҳаётидаги бир қатор жиддий масалаларни ҳал қилишга субъектив ёндошиш ҳолларининг салбий таъсири урди.

Марказий Комитет ўзининг 1964 йилги октябрь Пленумида бу камчиликларни очиб ташлади ва қоралади. Партия КПСС Марказий Комитетининг октябрь ва ундан кейинги Пленумлари қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватлади ва бу қарорларни амалга ошириш соҳасида талайгина ишлар қилди. Партия ва совет органлари қурилишида ленинча принципар тикланди. Коммунистик қурилиш проблемаларини партия жамият тараққиётининг объектив қонунларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосда ҳал қилмоқда. Ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришнинг иқтисодий методлари биринчи ўринга қўйилмоқда. Марказий Комитет катта иқтисодий ва социал сиёсий вазифаларни съезд муҳокамасига қўйганлиги партия XXIII съезди коммунизм сари қилаётган ҳаракатимиз йўлида муҳим босқични бошлаб беришидан далолат бериб турибди.

Совет халқи қарийб 50 йилдан буён ўзининг янги ҳаётини қуриб келмоқда. Ана шу 50 йил давомида эски ва янги чиққан кароматгўйлар халқнинг планлари барбод бўлади, деб фолбинлик қилган эдилар, бунинг ютуқларини бадном қилишга урингандилар. Ҳар safар мазкур кароматгўйларнинг ўзлари тарих ахлатхонасига тушиб қолмоқдалар, совет халқи эса ўз партияси раҳбарлиги остида тўхтовсиз олға бормоқда. Халқимиз Октябрнинг шонли эллик йиллигини чинакам улуғвор ютуқлар билан кутиб олмоқда. Бу ютуқлар унинг қаҳрамонона тарихига муносиб бўлиб, коммунизм сари яна олға боришимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Ўртоқ Подгорний шуни таъкидлаб айтдики, коммунистик қурилиш жамият ҳаётининг ҳамма томонларини — экономикани, ижтимоий муносабатларни, кишиларнинг маданиятини ва турмушини ўз ичига оладиган кўп қиррали процессдир. Фақат миллионлаб кишилар актив иштирок этган тақдирда, уларнинг коллектив тажрибасига асосланиш йўли билангина бу процессга тўғри раҳбарлик қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам коммунизм қурилиши демократияни ривожлантириш билан чамбарчас боғлангандир. Бу улкан ижодий процесса меҳнаткашларни жалб қилишни партия оммавий ташкилотлар — советлар, касаба союзлар, комсомол, кооперация ва бошқа ташкилотлар орқали амалга оширмоқда.

Халқимиз Советлар орқали ўзининг социалистик давлатига бирлашмоқда. Бу давлат эса коммунистик қурилишнинг асосий қуролидир. Меҳнаткашлар депутатлари советларида халқ сайлаб қўйган икки миллиондан ортиқ вакиллар бор. Улар ўз ишларида 23 миллиондан ортиқ активистларни бирлаштирувчи жамоат органларига, аҳолининг гоят кенг табақаларига таянадилар.

Кейинги йилларда, айниқса КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь ва ноябрь Пленумларидан кейин партия ташкилотларининг советларга эътибори кучайди. Уларнинг ишидаги бир қатор муҳим масалалар КПСС Марказий Комитетида ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида кўриб чиқилди. Яқинда бўлиб ўтган партия конференциялари ва съездларида совет органларининг ишини яхшилаш тўғрисида делегатлар олдинга сурган кўпгина таклифлар ҳам партия ташкилотларининг совет органларига эътибори кучайганлигидан далолат бериб турибди.

(Давоми иккинчи бетда)

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ ЗАФАРЛАРГА РУҲЛАНТИРМОҚДА

Шу кунларда халқимиз партия XXIII съезди материалларини қизғин муҳокама қилмоқда. Суратда: Туркистонда Октябрь революциясининг қатнашчиси, 1919 йилдан КПСС аъзоси Жўрабек Остонов (ўнгдан иккинчи) Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхознинг ташкилотчиларидан (чапдан ўнгга) Чўлпоной Қулматова, Иззат Сайфуддинов, Ўлмас Раимқулов ва Янгибой Мамедов ўртоқларга КПСС XXIII съезднинг иши тўғрисида гапириб бермоқда.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Ҳозирги қувончли дамларда ҳамманинг диққат-эътибори Ватанимиз пойтахти Москвага қаратилган. Биз КПССнинг тарихий XXIII съездида КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини радио орқали эшитиб, газеталардан ўқир эканмиз, беҳад шодландик.

Докладда жонажон Коммунистик партиямизнинг ҳисобот даврида босиб ўтган йўли, халқ фаровонлиги, коммунизм моддий-техника базасини яратиш йўлида олиб борилган ишлар батафсил кўрсатилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ишларига ҳам муносиб баҳо берилган.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, шу жумладан пахтакорларимиз маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштириш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Буни колхозимиз, қўлаверса, ўзимизнинг участкамиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Ўтган йили участкамиз бўйича ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олдик.

Съезд шарафига мусобақалашиб меҳнат қилаётган деҳқонларимиз бу йил янада мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Шу кеча-кундузда ҳаммамиз ҳамкорликда меҳнат қилиб, чигит экишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Биз жонажон партиямизни улуғ йўлбошчи, ғалабаларимизнинг илҳомчиси деб биламиз. Партия кўрсатган йўлдан бориб, бундан буён ҳам янги-янги ғалабаларга эришаверамиз.

М. КУЛМЕНОВ,

Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг участка бошлиғи.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII съездига қилган ҳисоботини чуқур ўрганмоқда. Ҳисобот докладида партиямизнинг йўли ойдин кўрсатиб берилган. Биз жонажон партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Ҳозир корхонамиз аҳли съезд ҳужжатларини ўрганиш билан бирга янги марраларни ҳам забт этишга бел боғлаган.

Барча цехларда съездолди социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйиб ажойиб натижалар қўлга киритилди. Иккинчи цех квартал маррасига биринчи бўлиб етиб келди. Пойабзалчилар кўплаб таг чарм иқтисод қилиб қолдилар. Цехнинг илғор ишчилари коммунист Шукур Пўлатов, коммунистик меҳнат зарбдори Еқуб Маҳкамов ва бошқалар барчага намуна бўладиган янгиликларни жорий этдилар. Улар март ойи топшириғини биринчилар қаторида ортиғи билан адо этишди.

Дастлабки маррани эгаллаган пойабзалчиларимиз иккинчи квартални ҳам муваффақиятли бошлаб юбордилар. Биз бундан буён ҳам маҳсулот сифатини оширишга, хомашёдан тежаб-тергаб сарфлашга алоҳида эътибор бераверамиз.

Б. ХУСЕНОВ,

Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикаси контролери.

МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАЙМИЗ

Жонажон пойтахтимиз Москва шу кунларда яна бир улкан тарихий анжуманнинг гувоҳи бўлиб турибди. КПСС XXIII съездида 4 йилдан ошиқроқ вақт мобайнида коммунистик қурилиш ишида эришган ютуқларимиз ва ғалдаги беш йиллик вазифалари муҳокама қилиняпти.

Бизнинг корхонамиз коллективи ҳам шу тарихий дамларда аҳолига янада мазалироқ, сифатлироқ нон-булка маҳсулотлари етказиб бериш учун курашяпти. Комбинатимиз бешйиллиннинг дастлабки квартал планларини съезд очиладиган кунлариёқ адо этган эди. Мен бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси съезд шарафига смена нормаларини 110—120 процентдан бажаряпти. Биз маҳсулот сифатига алоҳида эътибор бераяпмиз. Кейинги вақтларда нон сифатига эътироз эшитганимиз йўқ. Пойтахт аҳолисини бўрсилдоқ нонлар ва булкалар билан сийлаш учун бор имкониятларимизни ишга соламиз.

Р. ХОЖИМУРОДОВ,

Тошкент нон-булка маҳсулотлари комбинати коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ

(Боши биринчи бетда)

Партия раҳбарлигида халқимиз эришган муваффақиятларга советлар ҳам ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Аммо коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичидаги мураккаб вазифалар бизга советларнинг фаолиятига танқидий нуқтаи назардан баҳо бериш вазифасини юклайди. Шуни эътироф қилиш кераки, советларга конституцияда бериб қўйилган имконият ва ҳуқуқлардан улар асло тўла фойдаланаётганлари йўқ. Кўпгина советларнинг ташкилотчилик ишлари савияси ҳамон паст бўлиб қолмоқда, улар етарли ташаббус кўрсатмаётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида, дейди ўртоқ Подгорний, давлат органлари ва энг оммавий жамоат ташкилотлари бўлган советларнинг фаолиятини яхшилаш зарур, деб қайд қилинди. Советлар экономика ва маданиятни ривожлантиришга, жамият ҳаётининг ҳамма томонларига ўтказадиган ўз таъсирини кучайтириш керак. Марказий Комитет қўйган муҳим вазифалар КПСС Программаси талабларидан келиб чиққан бўлиб, улар маҳаллий советларнинг ишига ҳам, иттифоқдош республикалар ва автоном республикалар Олий Советларининг, СССР Олий Советининг ишига ҳам баббаравар таааллуқлидир.

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан жойлардаги Совет органларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Бироқ, Марказий Комитетининг ҳисобот докладида таъкидлаб ўтилганидек, маҳаллий Советларнинг ролини янада ошириш учун уларга хўжалик, молия, ер масалалари ва бир қатор бошқа масалаларни ҳал қилишда кўпроқ мустақиллик берилиши лозим. Бундай талабни партиянинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишни узил-кесил маҳаллий органлар ихтиёрига топширишга қаратилган йўли тақозо қилади. Марказий Комитет ўзининг ҳисобот докладида партия органларининг эътиборини майда-чуйда ишларда ҳам ҳомийлик қилиш ва совет органларининг ўрнини босиш ҳолларига барҳам бериш зарур эканига қаратади. Бу талаб партия Уставидан келиб чиқади.

Яқин йиллар учун партия қўйган асосий вазифалар орасида биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга алоҳида эътибор беришимиз керак. КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан катта иқтисодий ва социал тадбирлар халқ хўжалигининг бу тармоғини жадаллик билан ривожлантирмоқ учун қишлоқ аҳолиси билан шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини изчиллик билан яқинлаштириш учун реал имкониятлар яратиб беради.

Шу муносабат билан колхозлар ҳаётини бошқаришнинг демократик принципларини такомиллаштириш муҳим аҳамият кашф этмоқда. Қишлоқ хўжалик артелининг янги намунавий Устави бу соҳада қўйилган катта қадам бўлади. Колхозчиларнинг навбатдаги учинчи съезди ана шу Уставни қабул қилиши керак. Марказий Комитет съездимиз муҳокамасига колхоз ишлаб чиқаришининг демократик асосларини янада ривожлантиришга таааллуқли бўлган яна бир таклифни қўйди. Гап колхоз-кооператив органларини ташкил қилиш тўғрисида бораётир. Съездимиз делегатлари маъқуллаб қарши олган бу таклифнинг амалга оширилиши, шубҳасиз, Советлар олдига ҳам бир қатор янги амалий масалаларни қўяди. Булар аввало қишлоқ хўжалик кооперацияси билан ўзаро муносабатлар ва колхоз демократиясини янада ривожлантириш масалаларидир.

Партия социалистик ҳуқуқ тартиботларини мустаҳкамлаш соҳасида, шахсга сиғиниш билан боғлиқ бўлган зарарли қолдиқларни бартараф қилиш, совет қонунчилигини такомиллаштириш йўлида катта ишларни амалга оширди, деди ўртоқ Подгорний. Экономика ва маданиятни ривожлантириш қонунчилик асосида тартибга солишни талаб этувчи янги масалаларни қўймоқда. Ерлар, қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ресурсларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги ва бошқа бир қатор масалаларга доир қонунларни ҳозирги кунимиз талабларига мувофиқлаштириш зарурияти етилди.

Министрликлар ва идораларга қарашли корхона ва ташкилотларнинг қонунларга риоя қилишлари учун ана шу министрликлар ва идоралар масъулиятини жиддий суратда ошириш, қонунларнинг аниқ ижро этилиши устидан прокурор назоратини кучайтириш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилишига йўл қўймаслик зарур. Бюрократизм кўринишларига, меҳнаткашларнинг таклиф ва шикоятларига эътиборсиз, бепарво қараш ҳолларига қарши кескин кураш олиб бориш зарур. Барча Советларнинг эътибори ана шу масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши лозим.

Советларга партия раҳбарлигини янада кучайтириш — халқимизнинг вакиллари қатнашадиган орган фаолиятини янада юксалтиришнинг негизи. Совет давлатини изчиллик билан мустаҳкамлаб боришнинг гаровидир. XXIII съезд ишлаб чиққан сиёсий йўл партия ва давлат ишининг асосий ўзаги, меҳнаткашлар депутатлари барча советлари фаолиятининг негизи бўлиб қолади.

Ўз нутқининг якунловчи қисмини ўртоқ Подгорний Совет ташқи сиёсати, социалистик мамлакатлар билан қардошларча ҳамкорлик, интернационал бирдамлик масалаларига бағишлади.

Коммунистик партия ва Совет давлати, деди нотиқ КПСС XXIII съезди қарорларига амал қилиб, социалистик тузумнинг ўз табиатидан келиб чиқадиган тинчликсевар ташқи сиёсатни бундан буён ҳам сабот билан амалга ошира беради, агрессорларнинг найрангларига қарши зарба беради, халқаро майдонда барча имкониятлардан социализм, тараққиёт ва тинчлик манфаатларини кўзлаб кенг фойдаланади.

Партиямиз ўзининг ленинча йўлидан қатъият билан бориб, бутун инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм учун курашда янги ғалабаларга эришади!

КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари **В. Е. Чернишев** сўз олади. Партия ва унинг Марказий Комитетининг бутун иши, дейди ўртоқ Чернишев, ҳисобот даврида аввалги съездлар белгилаб берган бош йўлни оғишмай бажариш белгиси остида ўтди. Приморье ўлкасининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXIII съездига ленинчи Марказий Комитет теварагига мустаҳкам жипслашган ҳолда етиб келдилар.

Етти йиллик мобайнида ўлкада саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми икки баравардан зиёд ортди. Приморье ўлкасининг биринчи даражали кемаларга эга бўлган балиқчилари ва кит овловчилари Чекка Шимолда, Тинч океанда, Антарктида соҳиллари яқинида балиқ овлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Совет Приморьеси, дейди ўртоқ Чернишев, Ватанимизнинг Тинч океандаги қудратли қалъасидир. Ҳозир бизнинг бутун ҳаракатларимиз ўлканинг жуда катта табиий бойликларидан янада оқилона фойдаланишга ва уларни халққа хизмат қилдиришга қаратилган. Ишлаб чиқарувчи кучларни комплекс ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалалар ўлка партия ташкилотининг доимо диққат марказида турибди.

Жиддий муваффақиятларга эришилганлигига қарамай, деб таъкидлайди делегат, иқтисодий комплексни вужудга келтириш проблемаси ҳамон ҳал қилинмай қолмоқда. Ўлкада хўжаликнинг бир-бирига яқин айрим тармоқлари ўртасида мувофиқсизлик ҳолати вужудга келди. Балиқ овлаш флотининг қирғоқдаги базалари ривожланишда орқада қолмоқда, портлар, музхоналар секинлик билан қурилмоқда. Кемаларни ремонт қилиш базаси етарлича қувватга эга бўлмаганлиги сабабли флотнинг бир қисмини чет элларда ремонт қилишга тўғри келмоқда. Госпланнинг беш йилга мўлжалланган режаларига кўра, кемаларни чет элларда ремонт қилиш ҳажми камаймайди, балки янада ошади. Бундай нонормал аҳвол тузатилиши керак.

Ўртоқ Чернишев ўлка экономикасини муваффақиятли ривожлантириш учун Узоқ Шарқда йирик ёқилғи — энергетика базасини вужудга келтириш ишлари поёнига етказилиши зарур, деб ҳисоблайди. Планлаштиришдаги жиддий камчиликлар шунга олиб келдики, ҳозирги вақтда Приморье ўлкасига ҳар йили бир миллион тонна чамасида кўмир ташиб келтирилмоқда. Бу кўмир ўлканинг ўзида қазиб олинадиган кўмирдан икки баравардан зиёд қимматроқ тушмоқда, сифати эса ўлканинг кўмиридан пастдир. Бироқ, Госплан ва Кўмир саноати министрлиги ўлкада кўмир қазиб чиқаришни жуда оз миқдорда кўпайтиришни белгиламоқда. Ҳолбуки, бу ерда кўмирни очиқ усулда қазиб олишни ташкил қилиш мумкин.

Тошқинларга қарши кураш вазифаси ўлка олдида жуда кескин масала бўлиб турибди. Бундай тошқинлар ўлканинг халқ хўжалигига вақти-вақти билан жиддий зарар келтиради. Иман дарёсида ва Уссури дарёсининг ирмоқларида гидроузеллар барпо қилиш Приморье ўлкасини электр қуввати билан таъминлашдан ташқари сув режимини бошқариш имконини ҳам берган бўларди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун яхши шароитни вужудга келтирган бўларди.

Нотиқнинг фикрича, планлаштирувчи марказий органлар Приморье ўлкасида йирик шоликорлик базасини вужудга келтириш масаласини ўрганиб чиқиши керак. Узоқ Шарқда тўққиз миллион гектарга яқин ботқоқ ерлар бор. Шулардан бир миллион гектардан кўпроғи Приморье ўлкасида бўлиб, уларнинг қоқ ярми шоликорлик учун яроқлидир. Ҳисобларнинг кўрсатишича, биргина Приморье ўлкасининг ўзида яқин 5—10 йил ичида шоликорлик ирригация системалари 240 минг гектарга, кейинчалик эса 400 минг гектарга етказилиши мумкин.

Сўзининг охирида ўртоқ Чернишев приморьеликлар КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўлини ва Хитой коммунистик партияси билан ўзаро муносабатлардаги амалий ҳаракатларини маъқуллайдилар, дейди. Бу ҳаракатлар халқаро коммунистик ҳаракатда вужудга келган қийинчиликларни бартараф қилишга, унинг сафларини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг бузилмас негизида жипслаштиришга қаратилгандир. Биз, дейди нотиқ, халқ Хитойи ва унинг Коммунистик партияси билан дўст бўлишни чин қалбдан истаймиз.

СССРдаги барча қардош республикалар сингари Совет Литваси ҳам, деди Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. Ю. Снечкус**, ўтган йиллар мобайнида хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида олға қараб катта қадам ташлади. Етти йил ичида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 2,3 баравардан зиёд ошди, ҳолбуки, контроль рақамларда буни 1,8 баравар ошириш белгиланган эди. Эндиликда Литва саноати буржуазия ҳукмронлик қилган давридагига нисбатан 18 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Литва ССРнинг қишлоқ хўжалиги ҳам янада ривож топди. Деҳқончилик маданиятининг янада юксалиши, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш ва ихтисослаштиришнинг ривожланиши, мелиорация, ем-хашак базасини вужудга келтириш каби ишларнинг ҳаммасини қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари зўр ғайрат ва шижоат билан амалга оширмоқдалар. Бизда камчиликлар ҳам бор, албатта, дейди нотиқ. Баъзи экинларнинг ҳосилдорлиги ҳали анча паст, чопиқ қилинадиган экинларни етиштириш суст механизациялаштирилмоқда. Лекин булар вақтинчалик камчиликлардир. Ҳозир бизнинг олдимизда республикамиз ва бутун мамлакат экономикасини ривожлантириш учун улкан истиқболлар вужудга келгани сингари қишлоқ хўжалигимизни ривожлантириш учун ҳам кенг истиқболлар очилган.

Кейинги вақтда партиянинг негизи бўлмиш бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Коммунистик қурилишнинг муҳим вазифаларини ҳал қилишда коммунистларнинг обрўси ва авангардлик роли тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Шак-шубҳа йўқки, КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида партия Уставига киритилиши таклиф қилинган ўзгартишлар ва қўшимчалар ташкилий-партиявий ишлар савиясининг янада юксалишига ёрдам беради, партия ташкилотларининг жанговарлигини оширади.

Яхши дарсликларнинг йўқлиги, деди нотиқ, кадрларнинг назарий тайёргарлигини яхшилашга халақит бермоқда. Ижтимоий-сиёсий журналларда босилиб чиқаётган материаллар партия маорифи системасида шуғулланаётган кишиларга ҳамма вақт ҳам ёрдам бермайди. Олий ўқув юртлари учун марксча-ленинча фикрнинг ҳозирги босқичдаги ютуқларини чуқур очиб берувчи тўла қимматли дарсликлар тайёрлаш ва нашр қилишни жадаллаштириш зарур.

Республика партия ташкилоти идеология ишининг таъсирчанлигини кучайтирмоқда. Коммунистик онглилик, совет ватанпарварлиги Совет Литваси меҳнаткашлари маънавий қиёфасининг характерли белгиси бўлиб қолди. Фашистлар Германияси устидан эришилган ғалабанинг 20 йиллигини ва Литвада Совет ҳокимияти тикланган куннинг 25 йиллигини байрам қилиш муносабати билан аҳолини интернационал руҳда тарбиялаш соҳасида катта ишлар қилинди. Литва интеллигенцияси идеология ишлари соҳасида партия ташкилотига катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, дейди ўртоқ Снечкус, Литва партия ташкилоти тарбиявий ишларни олиб бориш, аҳолининг онглилигини ошириш соҳасида мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланаётгани йўқ, биз буни тушунамиз. Идеология ишида биз кўпинча мақсадимизни ҳар бир кишининг онгига етказа олаётганимиз йўқ, бу эса биз билан нодўстларимиз ўртасида кескин идеологик кураш бораётган, буржуа пропагандаси ўз фаолиятини кенгайтиришга интилаётган ва кишиларимизнинг онгини заҳарлаш учун ишимиздаги энг кичик раҳналардан ҳам фойдаланаётган ҳозирги шароитда айниқса муҳимдир.

Съездга келган делегациямиз съезд делегатларига шуни қувонч билан маълум қиладики, партия XXIII съезди шарафига зиммаларига социалистик мажбуриятлар олган Литва меҳнаткашларининг коллективлари бу мажбуриятларни шараф билан бажармоқдалар. Шунингдек, улар съездимизнинг томир уришини биз бу ерда қандай сезаётган бўлсак, шундай сезиб турибдилар.

Минбарда ҳозир бўлган Франция Компартиясининг бош секретари **Вальдек Роше**ни съезд қатнашчилари олқишлаб қарши оладилар.

Бизнинг мамлакатимизда, дейди у, Ленин партиясининг съездларига жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеа деб қарашади. Бутун дунёдаги меҳнаткашлар ва соф дилли кишилар Совет Иттифоқининг қудрати тинчлик ва халқлар мустақиллиги ишига хизмат қилаётганидан айниқса хушнуд бўлмоқдалар.

Франция коммунистлари сизлардан ўрнак олиб, ўз халқининг бахт-саодати учун курашмоқда. Ишчилар синфининг бирлигига ҳамда барча демократик ва прогрессив кучларнинг иттифоқига эришишни бизнинг коммунистик партиямиз ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди.

Биз мамлакатимизга мажбуран қабул қилдирилган Америка ҳукмронлигига ва бундан келиб чиқадиган авантюраларнинг жуда катта хавфига аввал бошиданоқ қарши чиқиб келдик. Ҳозирги вақтда халқаро майдондаги кучларнинг нисбати социализм фойдасига ўзгарганлиги ва империалистлараро зиддиятларнинг кескинлашганлиги шунга олиб келдики, Франция ҳукумати мамлакатимизни Американинг васийлигидан қутқаришга ва халқаро ҳамкорликнинг реалистикроқ сиёсатига кўчишга қаратилган тадбирларни қабул қилди. Худди шу мақсадни кўзлаб, де Голль (гарчи у Атлантик иттифоққа ўзининг содиқ эканини айтаётган бўлса ҳам) Франциянинг ана шу шимолий Атлантик деб аталувчи ҳарбий ташкилотдан чиқиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Биз, деди Вальдек Роше, шахсий ҳокимиятга қатъиян қарши чиқишимиз билан бирга тинчлик, миллий мустақилликка эришишга қаратилган ҳамма чора ва тадбирларни қўллаб қувватлаймиз. Шундай тадбирларни амалга оширилишини биз доимо талаб қилиб келдик. Биз бутун француз халқи билан бирга Франция республикасининг президенти июнь ойида сизларнинг мамлакатингизга келиши тўғрисидаги хабарни зўр қониқиш билан кутиб олдик.

Франция билан Совет Иттифоқи ўртасида яхши иқтисодий, маданий ва сиёсий муносабатларнинг вужудга келиши иккала халқларимизнинг манфаатларига, Европада хавфсизлик манфаатларига ва бутун дунёда тинчлик ишига мувофиқ бўлиб тушади. Шу билан бир вақтда биз де Голль юргизаётган ташқи сиёсатнинг бошқа баъзи аспектларига қарши, жумладан, атом зарба кучининг вужудга келтирилишига қарши курашаётирмиз, чунки бу Франциянинг хавфсизлигини ҳеч қанча таъминламайди, балки ядро қуролининг тарқалишига олиб келади. Шунинг учун ҳам биз мамлакатимиздаги бошқа демократик партиялар билан бирга Франциянинг атом саноатини тинч йўлга солиб юбориш учун, атом қуролининг тарқалмаслиги ва атом қуроли синовларини таъқиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасининг имзоланиши учун, қаттиқ контрол қилиб туриладиган ёппасига қуролсизланиш учун курашмоқдамиз.

Шу билан бир вақтда биз Ғарбий Германияда милитаризмнинг кучайишига қарши, Ғарбий Германия қўлида ядро қуролини тутқазиб қўйилишига қарши, Германия билан ҳозирда мавжуд чегараларнинг сақланиб қолиши учун, Европа хавфсизлиги ташкилотини тузиш: Германия Демократик Республикасининг танилиши учун кураш олиб бораётирмиз.

Вальдек Роше Франция коммунистларининг Вьетнам меҳнаткашлари шонли партияси ва Жанубий Вьетнамнинг қаҳрамон миллий озодлик фронти билан бирдам эканликларини изҳор қилади.

Америка империалистлари жаҳон коммунистик ҳаракатидаги келишмовчиликларга умид боғлаётганлигини қайд қилгач, нотиқ бундай деди: тинчлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган барча кучларнинг Вьетнам халқи олиб бораётган мардонавор курашни актив суратда қўллаб-қувватлаши ва биргалашиб ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Мана шунинг учун ҳам барча социалистик мамлакатлар, барча коммунистик ва ишчи партиялар Вьетнам халқига ёрдам кўрсатиш ишида биргаликда ҳаракат қилишлари керак. Биз коммунистик ва ишчи партияларнинг мустақиллиги тарафдоримиз, чунки бу партиялар ўз сиёсатларини ўз мамлакатларидаги конкрет шароитларга мувофиқ, ўзлари белгилашлари керак. Бироқ, шу билан бирга биз империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия, социализм ва коммунизм йўлида ғолибона курашмоқ учун бутун жаҳон коммунистик ҳаракати марксизм-ленинизм принципларига асосланган ўзининг умумий бош йўлига эга бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун ҳам биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно ва мустаҳкам позициясини, унинг 1957 йилги Декларациясида ва 1960 йилги баёнотида ёзиғлиқ асосий принципларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларини кўпроқ қадрлаймиз.

Қисқагина танаффусдан кейин **Д. С. Полянский** раислик қилади.

— Чехословакия Коммунистик партияси номидан, Чехословакия социалистик республикасининг халқи номидан биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва унинг XXIII съездига, бутун совет халқига чин қалбдан ўртоқлик саломини топширамиз! — Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг съезд қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган биринчи секретари **Антонин Новотний** ўз нутқини ана шундай сўзлар билан бошлади.

Чехословакия коммунистлари, мамлакатимиз меҳнаткашлари, деб сўзини давом эттирди у, XXIII съезднинг ишини зўр эътибор билан кузатиб турибдилар. Бу съезд партиянинг XX, XXI ва XXII съездлари қабул қилган муҳим қарорларда акс эттирилган йўлни давом эттиради, Совет Иттифоқида коммунизмнинг моддий-техника базасини қуриш вазифаларини бундан кейин ҳам ҳал қилаверишга, марксизм-ленинизм назариясини янада ривожлантиришга шубҳасиз ёрдам беради. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, деди ўртоқ Новотний, бутун дунёдаги социалистик, революцион ва прогрессив кучларнинг, кенг тинчлик фронтининг бош сиёсий таянчидир. Ленинча ташқи сиёсатни юргизаётган Совет Иттифоқи хавфсизлик ва халқлар озодлигининг асосий қалъаси ҳисобланади.

Чехословакия Социалистик Республикаси ўзининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлатининг тинчликни таъминлашга, демократияни ривожлантиришга бутун дунёда озодлик ва тараққиёт учун шароит яратиб беришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Биз, деб сўзини давом эттирди ўртоқ Новотний, ҳозирги вақтда бу вазифалар биринчи ўринга қўйилмоқда, деб ҳисоблаймиз, чунки империализмнинг агрессив кучлари халқаро коммунистик ҳаракатдаги келишмовчиликлардан ҳамда социалистик мамлакатлар ўртасида бирлик йўқлигидан ўзларининг контрреволюцион ва агрессив планларини амалга ошириш учун фойдаланмоқдалар.

Демократик Вьетнам Республикасига қарши Вьетнам халқига қарши қилинаётган ҳарбий агрессия, баъзи мамлакатларда ҳокимиятни реакцион тўдалар қўлига топшириш йўли билан янгича мустамлакачилик ҳукмронлигининг тикланаётганлиги, коммунистлар ва прогрессив кишиларнинг ёппасига қирғин қилинаётганлиги — буларнинг ҳаммаси ҳозирги замондаги энг хавфли империалистик сиёсат занжирининг ҳалқаларидир. Бу сиёсат Европада ҳам намоён бўлмоқда. Бу ерда АҚШнинг асосий шериги — Германия Федератив Республикаси ўзининг қасосчилик сиёсатини юргизиш орқасида умумий тинчликка тобора жиддий хавф бўлиб қолмоқда.

Мана шундай вазиятда, деди нотиқ, барча тинчлик ва тараққиёт кучларининг негизи бўлган халқаро коммунистик ҳаракатни жипслаштириш зарур. Вьетнам Демократик Республикасини мудофаа қилиш учун унга Совет Иттифоқи, бизнинг республикамиз ва бошқа социалистик мамлакатлар кўрсатаётган ёрдами барча социалистик мамлакатларнинг, бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг биргаликда, муштарак бўлиб чиқиши йўли билан янада кўпайтирилиши зарур.

Биз, деди нотиқ, социалистик давлатларнинг бирлиги, Варшава Шартномасининг янада мустаҳкамланиши, барча революцион кучларнинг жипсланиши ҳамда уларнинг биргалашиб ҳаракат қилиши Латин Америкасида, Осиё, Африка ва Европада жаҳон реакциясининг ҳужумини тўхтатиб қўя олади, деб ҳисоблаймиз.

Бундай ҳужум олдида, деб таъкидлади ўртоқ Новотний, халқаро коммунистик ҳаракатдан алоқани узиб қўйиш ва империализмга қарши бошқа партиялар ҳамда мамлакатлар билан биргаликда курашишдан бош тортишни у ёки бу хил сиёсий ва назарий масалалар хусусидаги қарашларда тафовутлар мавжудлиги билан асослашга уринишлар ҳеч қандай танқид қилишга ҳам арзимайдиган бир ҳаракатдир.

Ўртоқ Новотний Чехословакия Коммунистик партиясининг ишлари ва планлари ҳақида гапириб берди. Нотиқнинг айтишича, Чехословакия Коммунистик партияси ҳозир социалистик республиканинг ва унинг барча кучлари ҳамда имкониятларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масъулиятли қарорлар қабул қилиш даврига қадам қўйди.

Биз, деди нотиқ, Совет Иттифоқи билан сиёсий, иқтисодий ва иттифоқчилик ҳамкорлигимизни ривожлантиришни социалистик жамиятимизни янада ривожлантиришни таъминловчи асосий омил, деб ҳисоблаймиз.

Тожикистон меҳнаткашлари, — деди Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ж. Расулов**, — республика экономикаси ва маданиятининг равнақи кўп миллатли Ватанимиздаги қардош халқларнинг жуда катта ёрдами натижаси эканлигини, партиямиз ленинча доно миллий сиёсатининг тантанасини кўрсатувчи далил эканлигини яхши тушунадилар.

Кейинги беш йил ичида республика халқ хўжалигига 1 миллиард 407 миллион сўм — шундан аввалги ўн беш йилдагига нисбатан кўпроқ маблағ сарфланди. Республика саноатининг ялпи маҳсулоти беш йил ичида қарийб 54 процент, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти эса 39 процент кўпайди. Давлат йўли билан деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш анча ортди, аҳолининг турмуш даражаси кўтарилди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь ва март Пленумларидан кейин унча кўп вақт ўтгани йўқ, аммо бу Пленумларнинг қарорларини амалга ошириш самаралари яққол кўриниб турибди. Кишиларнинг меҳнат ғайрати, умумий ишимизнинг муваффақиятига бўлган манфаатдорлиги ошди, меҳнат унумдорлиги кўтарилди.

Тожикистон пахтакорлари ўтган йили давлатга мисли кўрилмаган даражада кўп пахта топширдилар. Гектар бошига ўрта ҳисобда 26,7 центнер пахта, шу жумладан 27,5 центнердан ингичка толали пахта олинди. Бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларининг оширилганлиги, янги солиқ сиёсати ва фидокорона қилинган меҳнат натижасида республика колхозларининг пул даромадлари 1965 йилда шундан аввалги йилдагига нисбатан 70,4 миллион сўм, ёки 22 процент кўпайди.

Кишиларнинг моддий бойлик ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятига таааллуқли бўлган иқтисодий ислоҳот партия раҳбарлиги услуби ва методларини янада такомиллаштиришни талаб қилади. Марказий Комитет октябрь, ноябрь Пленумлари ва шундан кейинги Пленумларининг самарали таъсири билан республика партия ташкилотлари кўпгина янги, мароқли ва самарали иш қилдилар.

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг колхозчиларнинг бутуниттифоқ учинчи съездини чақириш тўғрисидаги қарорини маъқуллайди.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш вазифалари қишлоқда қурилиш ишларини яхшилашни талаб этади. Бу масалани ҳал этиш пайти келган. Бизнинг фикримизча, бу соҳадаги кўп нарса лойиҳа ташкилотларини мустаҳкамлашга, қишлоқлардаги қурилиш ишларини пудрат усулига кўчиришга боғлиқ бўлади. Лойиҳаларни илмий асосда ишлаб чиқиш масаласини ўртага қўйиш пайти келган. Ҳозирги вақтда бу лойиҳалар одатда иқлим шароитларини, қишлоқ ҳаётининг хусусиятларини, тараққиёт истиқболларини ҳисобга олмаётир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баъзи ортиқча турларини қайтадан ишлаш учун колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш базасини вужудга келтиришни мақбул бир иш деб ҳисоблаймиз. Бу колхоз ва совхозларга малол келмайди, лекин қилинган сарфлар тез қопланади. Тегишли министрликлар, лойиҳа ташкилотлари ва илмий муассасалар бу иш билан ғоят жиддий шуғулланишлари керак.

— Бизнинг партиямизда, — деди сўзининг охирида ўртоқ Расулов, — ҳозир ихчам амалий муносабатлар қарор топди. Ана шу муносабатлар партия ахлоқининг ленинча нормаларини ва ленинча иш услубини характерлаб беради.

Шундан кейин делегатлар съезд Мандат комиссиясининг докладини тингладилар. Мандат комиссиясининг раиси **И. В. Капитонов** доклад қилди.

Съезд Мандат комиссиясининг докладини бир овоздан тасдиқлади.

Румыния Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари **Николае Чаушеску** съездга, барча коммунистларга, бутун совет халқига Румыния социалистик республикаси коммунистлари ва меҳнаткашларининг қизғин саломини топширади ва дўстлик ҳамда интернационал бирдамлик туйғуларини изҳор қилади. Зал қарсак чалади...

Николае Чаушеску яна бундай дейди: Румин халқи мамлакатингиз эришган жуда катта муваффақиятлардан астойдил хурсанд бўлмоқда. Совет экономикасида ҳозир бўлган жуда катта ўзгаришлар, ишлаб чиқарувчи кучларнинг мавж уриб ўсганлиги Совет Иттифоқини зўр иқтисодий қудратга эга бўлган социалистик давлатга, ҳозирги пайтда жаҳоннинг йирик индустриал давлатига айлантирди.

Совет Иттифоқининг эришган муваффақиятлари халқнинг қаҳрамонона ва фидокорона қилган меҳнати самараси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти самараси бўлиб, жаҳон социалистик системасининг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга қўшилган жуда муҳим ҳиссадир. Бу муваффақиятлар бутун дунёда социализмнинг, тараққиёт кучларининг таъсирини кучайтиришга анча ёрдам беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съезди янги беш йиллик план Директиваларини белгилаб, мамлакатни янада ривожлантириш вазифаларини мўлжаллаб, халқ хўжалиги, фан ва маданиятни, бутун ижтимоий ҳаётни янада юксалтириш, Ватанингизнинг Совет Иттифоқи халқлари бахт-саодати йўлида, социализм ва тинчлик иши йўлида олға қараб ҳаракат қилиб бориши учун илҳомбахш истиқболлар очиб беради. Қадрли ўртоқлар, ана шу улкан вазифаларни амалга оширишда жуда катта муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз.

Ўртоқ Чаушеску румин халқининг социалистик жамият қурилишида қўлга киритган муваффақиятлари ҳақида гапиради.

Румин ва совет халқлари ўртасида, мамлакатларимиз ўртасида, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Чаушеску, мустаҳкам дўстлик ва иттифоқчилик муносабатлари, экономика, техника, фан ва маданият соҳасида ўртоқларча ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Румыния Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги қардошларча алоқалар, янги ижтимоий тузум қурилишида тажрибаларни айирбошлаш кенгайиб бормоқда.

Румыния Социалистик Республикаси барча социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва қардошларча иттифоқ бўлишини ўзининг ташқи сиёсати учун асос қилиб олиб, айни вақтда барча давлатлар билан, уларнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъий назар ҳамкорлик муносабатларини ривожлантирмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз, дейди яна ўртоқ Чаушеску, агрессив империалистик доираларнинг ҳаракатларини қоралайди. Ана шу доиралар бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмоқдалар, тинчлик ишига хавф туғдирмоқдалар. Мамлакатимизнинг партияси ва ҳукумати АҚШ империалистларининг Вьетнамдаги агрессияси тўхтатилсин, барча чет эл қўшинлари олиб чиқиб кетилсин ва Женева битимларига риоя қилинсин, деб қатъий талаб қилмоқдалар, Вьетнам халқининг ўз ватани озодлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган ҳаққоний курашини қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳозирги вақтда барча қитъаларда жуда катта кучлар демократия ва социал тараққиётни, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиб чиқмоқдалар, империалистик доираларнинг агрессив режаларига қарши курашмоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг, барча антиимпериалистик кучларнинг бирдамлиги ана шу олижаноб курашда ғалаба қозонишнинг энг муҳим шартидир.

Турмуш шуни кўрсатадики, қардош партиялар ўртасидаги муносабатларнинг асосий нормаларини изчиллик билан қўлланиш, ҳаммамизни қизиқтираётган масалаларни ўзаро ҳурмат руҳида ўртоқларча самимий муҳокама қилиш — ана шу бирликни амалга ошириш ва мустаҳкамлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бизнинг партиямиз коммунистик ҳаракатдаги мавжуд қийинчиликлар бартараф қилиб бўлмайдиган қийинчиликлар эмас, деб ҳисоблайди ва келишмовчиликларнинг, ажралишнинг чуқурлашувига барча партияларнинг сабот-матонат кўрсатиши, тўла жавобгарликни сезиши ва сабр-тоқат билан иш кўриши йўли билан халақит бериш учун, коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва бирдамлигини сақлаб қолиш учун фурсат ҳали қўлдан кетган эмас, деб ҳисоблайди. Румыния Коммунистик партияси коммунистик партияларини марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми байроғи остида бирлаштираётган умумий манфаатлар ва мақсадлар устун эканлигига, фикр-қарашлардаги келишмовчиликлардан кучлироқ эканлигига қатъий ишонганлигини билдириб, социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқ учун бундан буён ҳам бутун куч-ғайратини сарф қилади.

Ўртоқ Чаушеску қардош румин-совет дўстлиги шарафига, социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги шарафига табрик сўзлари айтади.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Янош Кадар** минбарга чиққанида делегатлар уни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Совет халқи, деди Янош Кадар, инсоният учун йўл очиб бериб ва бениҳоя катта қийинчиликларни енгиб, ўз олдига қўйилган мақсадлар сари олға бормоқда, коммунистик жамиятни барпо этмоқда. КПССнинг XX ва XXII съездлари ана шу тарихий йўлда муҳим босқичлар бўлди. Ҳозирги XXIII съезд ҳам, шубҳасиз, янги юксалишнинг бошланиши ва илҳомбахш кучи бўлади.

Нотиқ айтадики, съезд ўз ишини мураккаб халқаро вазиятда олиб бормоқда. Ўз ҳалокатини сезган империалистлар агрессив ҳаракатларини кучайтирмоқдалар. Бу гап, аввало, АҚШ империализмига таааллуқлидир. АҚШ империализми Жанубий Вьетнам халқига қарши ва Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессияни кучайтириб юборди. Бундай шароитда хушёрлик кўрсатиш, антиимпериалистик кучларни жипслаштиришга интилиш, ҳужумга дучор бўлган Вьетнам халқига ва бошқа халқларга самарали ёрдам бериш зарур.

Шуларнинг ҳаммасини эътиборга олиб, дейди ўртоқ Кадар, Венгрия Халқ Республикаси, аввало, Совет Иттифоқи билан, социалистик мамлакатлар билан, бирлик ва ҳамкорликни доим мустаҳкамлаб келмоқда. Биз социализмни ва тинчликни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан жуда муҳим роль ўйнайдиган халқаро ташкилотлар — Варшава шартномаси ташкилоти ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ишини янада самарали қилиш тарафдоримиз.

Империалистлар муқаррар ҳалок бўладилар, жаҳон урушининг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблаймиз, чунки улуғ Совет Иттифоқининг, социалистик мамлакатларнинг, ўз озодлиги учун курашаётган халқларнинг, жаҳондаги прогрессив ҳаракатларнинг бирлаштирилган куч-қудратини енгиш мумкин эмас.

Ҳозирги вақтда, дейди ўртоқ Кадар, сафбузарлар социалистик мамлакатларнинг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлик йўлидаги интилишларига тўсқинлик қилмоқдаларки, бу ҳол халқаро вазиятни чигаллаштиради, социализмнинг тараққиётига тўсқинлик қилади ва империалистларга қўл келади. Венгрия Социалистик ишчи партияси «сўл» авантюризмга, миллатчиликка, антисовет хуружларга, ревизионизмга қарши ва бошқа зарарли оқимларнинг ҳаммасига қарши кураш олиб бормоқда. Венгрия Социалистик ишчи партияси бирлик идеясининг тантана қилишига аминдир.

Венгрия социалистик ишчи партияси билан КПСС ўртасида тамомила принципиал ва сиёсий бирлик мавжуддир. Биз халқаро коммунистик ҳаракатнинг 1957 ва 1960 йилларда Москвада ўтказилган кенгашларида ишлаб чиқилган бош стратегия йўли тўғри эканлигини турмушнинг ўзи тасдиқлаб берганига ва бу йўл бундан буён ҳам бутун жаҳондаги революцион кучларнинг амалий таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилажагига ишонганимиз ҳолда, кураш олиб бордик ва бу курашимизни давом эттираверамиз.

Янош Кадар Совет Иттифоқининг венгер халқига интернационал ёрдам кўрсатганлиги тўғрисида, венгер халқини гитлерчи фашистлардан озод қилиб, фашистлар бошлаб берган уруш гирдобидан қутқазганлиги, контрреволюцион исённи бостиришда ёрдам берганлиги, тинч яратувчилик меҳнатида ёрдам кўрсатаётганлиги тўғрисида миннатдорчилик билан гапиради. Идея ва мақсадларнинг бирлигига асосланган чуқур дўстлик, ҳамкорлик, яхши иттифоқчилик муносабатлари СССР билан Венгрия Халқ Республикасини бир-бири билан мустаҳкам боғлайди. Бу алоқалар об-ҳаво шароитига боғлиқ эмас, тез ўтиб кетадиган мавсумий характерга ҳам эга эмас, балки тарихан таркиб топган абадий мустаҳкам алоқалардир. Бизнинг партияларимиз, бизнинг мамлакатларимиз, совет ва венгер халқлари бундан буён ҳам, Маркс, Энгельс, Ленин йўлидан, социализм ва коммунизм йўлидан қатъий ғалаба сари олға бораверадилар.

Шу нарса жуда ғалати туйиладики, — дейди яна ўртоқ Кадар, ҳозирги вақтда баъзи бировлар ўзларини «чинакам» марксчи-ленинчилар деб атаганлари ҳолда, советларга қарши кайфиятларни авж олдиришга уринмоқдалар. Венгер коммунистлари Совет Иттифоқига нисбатан принципиал, ўртоқларча муносабат ҳамиша интернационализмнинг негизи бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай негиз бўлиб қолмоқда, деган фикрда турибдилар. Антисовет коммунизм бўлган эмас, йўқ ва ҳеч қачон бўлмайди! Бизнинг делегациямиз венгер коммунистлари совет ўртоқларимиз билан тўла ва астойдил бирдамдирлар, деб айтганида худди шундай фикр юритади.

Ўртоқ Кадар сўзининг охирида бундай дейди:

— Яшасин Совет Иттифоқи, совет халқи ва унинг ленинчи Коммунистик партияси! Венгер-совет дўстлиги яшнайберсин ва кун сайин мустаҳкамланаверсин!

Шу билан съезднинг кундузги мажлиси тамом бўлди. (ТАСС).

КПСС XXIII СЪЕЗДИ

КПСС XXIII СЪЕЗДИ МАНДАТ КОМИССИЯСИНИНГ ДОКЛАДИ

Комиссия раиси ўртоқ И. В. КАПИТОНОВ доклади

Ўртоқлар! Партия XXIII съездининг иши мамлакатимизда зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда ўтмоқда. Съезд партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча йўлга, марксизм-ленинизм улуғ байроғига содиқлигини янги куч билан намойиш қилмоқда.

Марказий Комитетнинг КПСС Марказий Комитети Биринчи секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев қилган ҳисобот докладида партиянинг совет жамияти турмушидаги роли ўсиб бораётганлиги ишончли тарзда кўрсатиб берилган, XXII ва XXIII съездлари ўртасидаги даврда КПССнинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти атрофлича анализ қилиб берилган. Докладда коммунистик қурилишнинг назарияси ва практикаси, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ривожланишига оид энг муҳим масалалар ёритилган, мамлакат экономикасини янада юксалтириш, совет кишиларининг фаровонлигини яхшилаш йўллари белгилаб чиқилган.

Марказий Комитет партиянинг қатъий иродасини ифода этиб партия турмушининг ленинча нормаларига ва коллектив раҳбарлиги принципига риоя қилиш йўлини қатъият билан ўтказиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1964 йилги октябрь Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари буни яққол кўрсатди. Марказий Комитет субъективизмни, сиёсий ва хўжалик вазифаларини хал этишда иқтисодий қонунларни, фан ва амалий тажриба маълумотларини ҳисобга олмай ҳал қилишга уринишларни қатъий қоралади. Партия совет жамияти турмушининг ҳамма соҳаларига раҳбарлик қилишни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқди ва изчиллик билан амалга оширмоқда. Партия ва мамлакатда хўжалик ва маданий қурилишнинг янги, анча мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашувчи чинакам ижодий вазият вужудга келтирилди.

КПСС XXIII съездидан аввал бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот сайлов йиғилишлари, район, шаҳар, область, ўлка партия конференциялари ва иттифоқдош республикалар компартияларининг съездлари бўлиб ўтди. Улар якдиллик ва ишчанлик вазиятида ўтди, партиялилар оммасининг активлиги ўсганлигини намойиш қилиб кўрсатди. Экономикани янада ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ташкилий-партиявий ва идеология ишининг услуби ва методларини яхшилаш масалалари ана шу йиғилиш, конференция ва съездларнинг диққат марказида турди. Уларда қатнашган коммунистлар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, Марказий Комитетнинг жаҳон социалистик ҳамдўстлиги бирлигини, халқаро коммунистик ҳаракат жипслигини мустаҳкамлаш юзасидан кўраётган чораларини якдиллик билан маъқуллашдилар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директиваларининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганлиги шуни кўрсатдики, коммунистлар, барча меҳнаткашлар партия белгилаган планларни кизгин қўллаб-қувватламоқдалар ва уларни амалга оширишга бел боғлаб турибдилар.

Бизнинг партиямиз ўзининг XXIII съездига ғоявий жиҳатдан чиниққан, ленинчи Марказий Комитет теварагига маҳкам жипслашган ҳолда келди, партиямиз совет халқини коммунизм қуриш йўлидан қатъий ва комил-ишонч билан бошлаб бормоқда.

Ўртоқлар!

Мандат комиссияси делегатларнинг ваколатини текшириб чиқди ва қуйидагиларни маълум қилишни зарур деб ҳисоблайди. КПСС XXIII съездига 4.943 делегат, шу жумладан ҳал қилувчи овоз билан 4.620 делегат ва маслаҳат овози билан 323 делегат сайланди. Барча делегатлар КПСС Уставига, Марказий Комитет томонидан белгиланган сайлов тартиби ва вакиллик нормаларига батамом мувофиқ равишда: икки ярим минг партия аъзосидан ҳал қилувчи овозга эга бўлган бир делегат ва икки ярим минг партия аъзолигига кандидатдан маслаҳат овозига эга бўлган бир делегат сайланган.

Мандат комиссияси барча делегатларнинг ваколатларини ҳақиқий деб топди. Съездда ҳал қилувчи овоз билан 4.619 делегат ва маслаҳат овози билан 323 делегат қатнашмоқда. Бир делегат узрли сабаб билан келолмай қолган.

311 минг аъзоси бўлган Ватанимиз пойтахти — Москва, 187 минг аъзоси бўлган Ленинград области, 154 минг аъзоси бўлган Москва области, 91 минг аъзоси бўлган Ростов области, 83 минг аъзоси бўлган Горький области, 83 минг аъзоси бўлган Краснодар ўлкаси, 81 минг аъзоси бўлган Свердловск областининг партия ташкилотларидан келган делегациялар энг йирик делегациялардир.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг делегациялари состави қуйидагича: Украинадан 847 киши, Қозоғистондан 204 киши, Белоруссиядан 158 киши, Ўзбекистондан 140 киши, Грузиядан 111 киши, Озарбайжондан 92 киши, Латвиядан 48 киши, Арманистондан 47 киши, Литвадан 42 киши, Молдавиядан 40 киши, Қирғизистондан 38 киши, Туркманистондан 30 киши, Тожикистондан 30 киши, Эстониядан 27 киши бор.

XXIII съезд делегатлари ўн икки миллиондан ортиқ коммунистлар армиясидан вакил бўлиб келганлар. Ҳозир партия сафида 11 миллион 673 минг 676 КПСС аъзоси ва 797 минг 403 партия аъзолигига кандидат бор. XXII съезддан кейин партиямиз сафи 2 миллион 755 минг 74 кишига кўпайди, бу эса партиянинг халқ орасидаги юксак обрў-эътиборидан, унинг омма билан алоқаси кучайганлигидан далолат беради.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг докладида партиянинг ички турмуши, партия сафларини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди. Ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш тўғрисида, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳақида докладда баён этилган таклифлар коммунист деган номнинг обрўсини янада оширишга, партия ташкилотларининг ташаббускорлигини ривожлантиришга, партиянинг ички демократиясини кенгайтиришга қаратилган. Белгиланган чораларнинг амалга оширилиши партиянинг бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишини янада юксалтиришга ёрдам беради.

Маълумки, бизнинг партиямиз ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва интеллигенциянинг энг онгли қисмини бирлаштиради. Съезд делегатлари составида ҳам бу нарса ўз ифодасини топган. Съезд делегатлари орасида ишчилар ва колхозчилар, инженер-техник ва хўжалик ходимлари, конструкторлар ва олимлар, партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, адабиёт ва санъат арбоблари, совет армияси ва флотининг жангчилари бор.

Социалистик индустрия ходимларидан XXIII съездда кўп вакил қатнашмоқда. Делегатлардан 1.577 киши саноат ва қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарида ишлайди. Уларнинг кўплари халқ хўжалигида техникани тараққий эттиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган тармоқларда меҳнат қиладилар, шу жумладан 255 делегат машинасозлик саноатида, 142 делегат металлургия саноатида, 131 делегат нефть ва химия саноатида, 81 делегат кўмир саноатида меҳнат қилади. 192 делегат бинокор коммунистлардан вакил бўлиб келган, 249 делегат енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва маҳаллий саноатда ишлайди.

Съездга 1.141 ишчи сайланган бўлиб, улар саноатда ишлайдиган жамики делегатларнинг 72,4 процентини ташкил этади. Улар орасида етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашга салмоқдор ҳисса қўшган ишлаб чиқариш новаторлари кўп. Съездга ишчилардан делегат бўлиб келган кишилар коммунизм қурувчиларининг олдинги сафида бораётган мамлакатимиз ишчилар синфининг муносиб вакилларидир.

Съезд ишида қишлоқ хўжалик меҳнатчиларидан катта группаси қатнашмоқда. Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида ишлайдиган 874 делегатдан 554 киши колхозчи, совхоз ишчиси, звено, бригада бошлиғи, ферма мудирларидир. Улар орасида 125 механик, тракторчи, комбайнчи бор. Кўпгина донгдор мўл ҳосил усталари, чорвачилик илғорлари делегат бўлиб келишган. Улар қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш юзасидан партия ишлаб чиққан чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида яхши ибрат кўрсатишмоқда.

КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларида кўрсатиб ўтилганидек, партия ишлаб чиқаришни планлаштириш, иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш, корхоналарнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини кенгайтириш чораларини кўраётган ҳозирги шароитда хўжалик кадрларининг роли кўп даража ортиб бормоқда. Коммунистлар хўжалик ходимларидан 704 кишини съездга делегат қилиб сайлаганлар, улар орасида комбинатлар, трестлар, фирмалар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг раҳбарларидан 107 киши, корхона директорларидан 197 киши, колхоз раисларидан 163 киши, совхозлар ва паррандачилик фабрикалари директорларидан 85 киши бор. Кўпгина хўжалик раҳбарлари съездга сайланганлиги саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш планларини амалга оширишда улар қилаётган ишларнинг аҳамияти муҳим эканлиги эътироф қилинганлигидан дарак беради.

Кўпгина делегатлар совет интеллигенциямизнинг турли группаларидан вакил бўлиб келишган. Делегатлар орасида СССР Фанлар академиясининг 45 академиги ва корреспондент аъзоси, тармоқ академиялари ва иттифоқдош республикалар Фанлар академияларининг 36 ҳақиқий аъзоси ва корреспондент аъзоси бор. Делегатлардан 260 киши фан доктори ёки кандидати деган илмий даражага эга. Олимларимиз техника тараққиётига, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Совет фанининг космик фазони ўзлаштиришдаги муваффақиятлари ҳаммага маълум. Делегатлар орасида космик кемаларни яратаётган кишилар, космосга қилинаётган парвозларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашаётган кишилар бор. XXII съезд мандат комиссиясининг биринчи космонавт учувчилар — Юрий Алексеевич Гагарин билан Герман Степанович Титов съездга делегат бўлиб келганликларини маълум қилганида бу хабар нақадар баланд руҳ билан кутиб олинганлиги шу ерда ҳозир бўлганлардан кўпларининг эсида бор. Ўшандан бери орада атиги тўрт йил вақт ўтди, Ўша вақтда бизда икки космонавт бўлган бўлса энди улар 11 кишига етди. Партия аъзолари бўлган тўққиз космонавтнинг ҳаммаси КПСС XXIII съездига делегат қилиб сайланган.

Делегатлар составида адабиёт ва санъат арбобларидан, маданият ва халқ маорифи ходимларидан 147 киши, шу жумладан 53 ёзувчи, композитор, рассом, артист бор. Уларнинг съезд ишида қатнашаётганлиги ёшларни, барча совет кишиларини коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашда партияга ёрдам бераётган ижодий интеллигенциянинг юксак роли мамлакатимизда эътироф қилинаётганлигидан далолат бериб турибди.

Делегат ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида кўрсатиб ўтилганидек, партиявий раҳбарликнинг даражасини оширишга, партия органларининг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга партия алоҳида аҳамият бермоқда. Бу вазифанинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқ. Партия ходимларидан 1.204 киши XXIII съездга сайланганлиги коммунистларнинг ўз раҳбарларига зўр ишонч билан қараётганлигининг ифодасидир. Буларнинг асосий қисмини омма орасида сиёсий ишни ташкил этаётган, меҳнаткашларни ишлаб чиқариш планларини бажаришга сафарбар этаётган кишилар ташкил қилади.

Делегатлар орасида район, шаҳар ва округ партия комитетларининг секретарларидан 744 киши бор. Марказий Комитет 1964 йилги ноябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ район звеносини қайта тиклаш ва уни тажрибали, малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида анчагина иш қилди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 2725 та қишлоқ районн, яъни 1964 йилдагидан 880 та кўп район бор. Эндиликда қишлоқ районлари анча ихчам ва яхши бошқариладиган бўлиб қолди. Бу эса қишлоқдаги партия ташкилотларига, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни янада яхшилаш учун қулай имкониятлар яратиб берди.

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларидан 148 киши, цех ташкилотларининг секретарлари ва партия группаларининг ташкилотчиларидан 260 киши съездга делегат бўлиб келишган. Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида партия активларининг ана шу кўп сонли отряди ишига юксак баҳо берилди. Ҳозирги вақтда партияда 326 мингта бошланғич партия ташкилоти, яъни КПСС XXII съезди арафасида бўлганидан 30 мингта кўп бошланғич партия ташкилоти бор. Съездлар ўртасидаги даврда цех партия ташкилотлари анча кўпайди, уларнинг сони шу вақт ичида юз минг ортди ва эндиликда 287 мингтага етди. Партия группаларининг сони деярлик икки баравар кўпайиб, ҳозир 350 мингтадан ошиб кетди. Ҳозирги вақтда деярлик барча корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда бошланғич партия ташкилотлари бор.

Сўнгги йилларда бошланғич партия ташкилотлари мустаҳкамланди, улар анча кўп сонли бўлиб қолди. XXII съезддан сўнг уч юздан ортиқ коммунист бўлган йирик ташкилотлар сони бир ярим баравар кўпайди. Буларнинг ҳаммаси хўжалик ва маданий турмушнинг барча соҳаларига партия таъсирини янада кучайтириш учун, омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларни яхшилаш учун қулай шарт-шароит вужудга келтиради.

Съезд делегатлари орасида совет ходимларидан 539 киши, касаба союз ходимларидан 82 киши ва комсомол ходимларидан 44 киши бор. Совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари кенг халқ оммасини социалистик мусобақага, ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш соҳасида кўп иш қилмоқдалар, совет кишиларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, ёшларимизни, барча меҳнаткашларни тарбиялашга катта эътибор бермоқдалар.

КПСС XXIII съездига Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти ва чегара қисмлари ҳарбий хизматчиларидан 352 киши сайланган. Съезд делегатлари орасида машҳур саркардалар — гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилган маршаллар, адмираллар, генераллар ва офицерлар, шунингдек жангчиларимиз ёш авлодининг вакиллари бор. Уруш синовлари кунларида бўлганидек, коммунистлар ҳозир ҳам армия ва флот сафларини тош метиндек мустаҳкамламоқдалар, ҳарбий бурчни ижро этиш намунасини кўрсатмоқдалар, партиянинг сиёсатини қўшинларда ўтказишда унинг чинакам ғоявий жангчилари бўлмоқдалар.

Ўртоқлар!

Съезднинг состави тўғрисидаги маълумотлар унинг делегатлари меҳнатда ўзларини яхши кўрсатган, Ватан учун олиб борилган жангларда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив қатнашаётган кишилар эканликларидан далолат бериб турибди. Делегатларни тўртдан уч қисми Совет Иттифоқи орденлари ва медаллари билан мукофотланган кишилардир. Улар орасида 111 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 459 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 174 киши Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреати, 1.205 киши СССР Олий Советининг, иттифоқдош республикалар ва автоном республикалар Олий Советларининг депутатларидир.

Съезд делегатларининг маълумоти тўғрисида ҳам гапириб ўтмоқ керак. Делегатларнинг 55,5 проценти олий, 24 проценти тўлиқсиз олий ва ўрта маълумотли кишилардир. Съезд қатнашчиларидан 1.484 киши ихтисоси жиҳатидан инженер, экономист, техник, 493 киши агроном, зоотехник, ветеринария врачи, 451 киши педагог, врач, юрист бўлиб, 806 делегат партиявий-сиёсий маълумотга эга. Буларнинг ҳаммаси партия раҳбарлигида мутахассислар тайёрлаш, СССР халқларининг маорифи ва маданиятини ривожлантиришда қўлга киритилган ютуқларни акс эттиради.

Мандат комиссияси шуни айтишни зарур деб ҳисоблайдики, съездга хотин-қизлардан 1.154 киши сайланган. Булар жамики делегатларнинг 23,3 процентини ташкил этади. Ўзбекистон, Арманистон, Литва, Латвия, Молдавия иттифоқдош республикалари, Иваново, Ярославль, Смоленск, Кострома областлари, Краснодар ўлкаси партия ташкилотлари юборган делегациялар составида хотин-қизлар айниқса кўп. Делегат бўлиб келган хотин-қизлардан 116 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир. Съезд делегати, жаҳонда биринчи космонавт аёл Валентина Владимировна Николаева-Терешкова Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Съезд ишида хотин-қизларнинг кенг қатнашаётганлиги уларнинг мамлакат сиёсий, хўжалик ва маданий турмушидаги активлиги ўсганлигидан дарак беради. Ленин партияси сафларида икки ярим миллиондан ортиқ, яъни КПСС XXII съезди арафасида бўлганидан 650 минг кўп хотин-қиз бор. Экономика, фан, маданиятнинг ҳеч бир соҳаси йўқки, унда совет хотин-қизлари ўзларини намоён қилмаган бўлсинлар. Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган хотин-қизлар ўз кучлари ва билимларини коммунизм қуришдан иборат тинч ишга сарф қилмоқдалар.

XXIII съезд ишида мамлакатимиздаги 59 миллат ва элат вакиллари қатнашмоқда. Улар орасида руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, қозоқлар, грузинлар, озарбайжонлар, литваликлар, молдаванлар, латишлар, қирғизлар, тожиклар, арманлар, туркманлар ва эстонлар, автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округлардаги туб жой миллат ва элатларининг коммунистлари бор. Бу эса Совет Иттифоқи халқлари бирлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг, пролетар интернационализми ғоялари тантанасининг ифодасидир.

Делегатларнинг ёши ва КПСС сафида бўлиш стажини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин. Ўттиз ёшгача бўлган делегатлар 8 процент, ўттиз бир ёшдан қирқ ёшгача бўлган делегатлар 32,2 процент, қирқ бир ёшдан эллик ёшгача бўлган делегатлар 34,3 процент, эллик бир ёшдан олтмиш ёшгача бўлган делегатлар 21,7 процент ва олтмиш ёшдан ошган делегатлар 3,8 процентни ташкил қилади.

Делегатлар орасида революциядан аввал партияга кирган коммунистлардан 18 киши бор. 1917 йилдан 1930 йилгача партияга кирган делегатлар 4,8 процент; 1931 йилдан 1940 йилгача партияга кирган делегатлар 15,5 процент; 1941 йилдан 1945 йилгача партияга кирган делегатлар 24,7 процентдир. Делегатларнинг 24,2 проценти 1946—1955 йилларда, 30,4 проценти эса шундан кейинги йилларда КПСС сафига киришган.

XXIII съезд ишида Улуғ Октябрь революцияси ғалабасини қўлга киритган, қўлига қурол олиб Советлар ҳокимиятини ҳимоя қилган, социализм қурган ва фашизмга қарши курашда социализм ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилган кишилар, шунингдек урушдан кейинги йилларда партия сафига кирган кишиларнинг қатнашаётганлиги партияда авлодларнинг давомийлигидан, партиянинг ленинча революцион традицияларига содиқлигидан далолат бериб турибди.

Ўртоқлар!

КПСС XXIII съезди делегатларининг состави шуни кўрсатиб турибдики, партиямиз сон жиҳатдан ўсди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, ғоявий жиҳатдан чиниқди, тайёргарлик кўрган кадрларни тарбиялаб етиштирди, социалистик қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасида бой тажриба орттирди. Марксизм-ленинизм таълимотига амал қилаётган. XXIII съезд қарорлари билан қуролланган Коммунистик партия совет халқини улуғ Ленин кўрсатган йўлдан коммунизмнинг тўла тантанаси сари бундан буён ҳам комил ишонч билан бошлаб боради.

31 МАРТ КЕЧКИ МАЖЛИС

МОСКВА, 1 апрель. (ТАСС). Кеча кечқурунги мажлисда **Г. И. Воронов** раислик қилди. СССР қишлоқ хўжалик министри **В. В. Мацкевич** сўз олади.

— Беш йиллигимизнинг асосий вазифаларидан бири, — дейди у, — қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдир. Саноатдаги кўп тармоқларнинг муваффақиятли ривожланиши, миллий бойликнинг ўсиши, совет кишилари моддий фаровонлигининг юксалиши қишлоқ хўжалигидаги қолоқликка нечоғлик тез барҳам берилишига боғлиқдир. Шу сабабли бизнинг партиямиз қишлоқ хўжалиги проблемалари билан ғоят жиддий шуғулланмоқда. Бизнинг партиямиз муваффақиятсизликларнинг сабабларини очиб берди ва қишлоқ хўжалигини тезликда юксалтириш чораларини кўрди.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида ишлаб чиқилган иқтисодий ва ташкилий тадбирлар программаси, колхоз ва совхозлар моддий техника базасининг мустаҳкамланиши қишлоқдаги вазиятни қисқа вақт ичида ўзгартириб анча яхшилади. Ўтган йили об-ҳаво шароити жуда ноқулай келишига қарамай, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ҳар қачонгидан кўра ошиқ бўлди ва 55 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Мамлакатнинг донга бўлган эҳтиёжларини таъминламоқ учун беш йилликнинг охирига бориб дон ҳосилини йилига 180 миллион тоннага етказишимиз, яъни гектар бошига олинадиган ҳосилни камида 4-5 центнерга кўпайтиришимиз зарур. Марказий Комитетнинг март Пленуми ишлаб чиққан иқтисодий ва ташкилий тадбирлар бу вазифани бажаришни таъминлайди, агрономия фани маълумотлари ва мамлакатдаги кўпгина совхоз ҳамда колхозларнинг тажрибаси бу вазифани бажаришга имконият туғдиради.

Шу мақсадга эришмоқ учун зарур чораларни кўриш — икки-уч йил ичида ерда агрономик тартиб жорий қилиш — барча колхоз ва совхозларда алмашлаб экишни тиклаш ёки жорий қилиш ва буни бригадаларга бириктиб бериш керак.

Тупроқни зона хусусиятларига мувофиқ ишлаш системаси, районлаштирилган сортлардан уруғликнинг эҳтиёт фондлари ва ўткинчи фондларини вужудга келтириш, шунингдек экинларни муҳофаза қилиш воситалари комплекси — дон етиштириш технологияси ва деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг асосий звеноларидир.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш асосан ем-хашак базасининг вужудга келтирилишига боғлиқ. Протеин ва микроэлементларга асосан балансланштирилган озуқадан фойдаланиш ем-хашак сарфлашни анча камайтириши мумкин. Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва уларнинг таннархини камайтириш учун яхши сифатли омихта озуқа ишлаб чиқаришни йилида камида 30 миллион тоннагача етказиш ва уларнинг сифатини кескин суратда яхшилаш керак. Оқсил моддани ва омихта озуқадаги бошқа муҳим моддаларни кўпайтириш селекциячилар ишининг муваффақиятига, кунгабоқар, соя ва кўп йиллик ўтлар майдонини кенгайтириш ҳамда ҳосилдорлигини оширишга боғлиқдир. Яқинда СССР Министрлар Совети ҳузурида тузилган микробиология саноати бошқармаси ҳам ана шу проблема билан шуғулланади.

Бизда табиий пичанзорлар жуда кўп. Бу пичанзорлар омихта озуқанинг энг муҳим моддаси бўлган хашак уни ҳосил қилишнинг битмас-туганмас манбаидир.

Колхоз ва совхозларга техника кўп етказиб берилаётганлиги муносабати билан бу техникадан фойдаланишни яхшилаш вазифаси айниқса кескин қилиб қўйилади. Ҳар бир колхоз ва совхозда ремонтнинг ҳажми ва турларига мувофиқ келадиган машина-ускуналарга эга бўлган устахоналарни вужудга келтириш лозим. Ҳозирги вақтда техникадан фойдаланишдаги камчиликларни йўқотиш ва ремонт базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Бизда минерал ўғитлар етиштириш кўпайди. Лекин шундай бўлса ҳам, химия саноати белгиланган топшириқларни ҳали бажармаётир. Ўғитларнинг сифати паст, улар қимматга тушмоқда. Машинасозлар ва химиклар беш йиллик планда кўзда тутилган маҳсулотни ўз вақтида ва тўла миқдорда колхоз ва совхозларга етказиб бериш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришлари керак. Биз маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор беришни илтимос қиламиз. Бизнинг колхоз ва совхозларимиз Америка фермери ихтиёрида бўлганидан кучлироқ ва мукаммалроқ машиналар олишлари керак.

Колхоз ва совхозларимиз етиштираётган маҳсулотнинг кўп турлари, дейди министр, жаҳон стандартларидан устун туради. Саратов ва Кубанда етиштирилаётган буғдой Италиянинг машҳур спагеттиларидан аъло бўлган ун маҳсулотларига эга бўлиш имкониятини туғдиради. Херсон ва Молдавия помидорлари, Мелитополь гилоси, Ўзбекистоннинг узуми ва қоракўл териси, Вологда ва Балтика бўйи республикаларининг пишлоғи ва мой-ёғига тенг келадиган маҳсулот йўқ. Аммо савдо шохобчалари кўпинча сифати паст товарларни олмоқдалар. Бунга сабаб шуки, идиш ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ихтисослаштирилган транспортни вужудга келтириши, маҳсулотни ўз вақтида қайта ишлаб истеъмолчига етказиб бериши лозим бўлган айрим ходимлар топширилган ишни яхши уддалай олмаётирлар. Тенг ҳуқуқли бўлмаган ва маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олиш учун тайёрловчиларнинг ҳамда саноат корхоналарининг жавобгарлигини пасайтирадиган система кенг ёйилган.

Қишлоқ хўжалигини комплекс планлаштириш колхоз ва совхозларнинг ишини яхшилаш учун катта аҳамиятга эга. Маҳсулот сотиш юзасидан колхоз ва совхозларга топшириқлар бериш билан бир қаторда, уларни меҳнат ресурслари билан, молиявий ва моддий воситалар билан ҳам таъминлаш керак. Айни вақтда уй-жой, маданий-маиший ва савдо муассасалари, мактаб, касалхона, йўллар қурилишига маблағ ажратишнинг бутун комплексини ҳам планлаштириш лозим. Буларнинг ҳаммаси халқ хўжалигининг барча тармоқларини уйғун равишда ривожлантиришга, қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашларининг турмуш даражасини яқинлаштиришга ёрдам беради.

Бошқирдистон область партия комитетининг биринчи секретари **З. Н. Нуриев** съездда сўзлаган нутқида бундай деди:

— Шу нарсани зўр мамнуният туйғулари билан таъкидлаб ўтишни истайсан киши: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг Марказий Комитети ҳисобот даврида мамлакатда коммунизм қурилишининг тарихий вазифаларини муваффақиятли ҳал этдилар.

Бизнинг делегациямиз партия Уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифни қувватлайди. Марказий Комитет Президиуми ўрнига Марказий Комитет Сиёсий бюросининг тузилиши ана шу раҳбар партия органининг характерини тўлароқ акс эттиради. Бизнинг делегациямиз Марказий Комитетнинг Бош секретари лавозимини тиклаш тўғрисидаги таклифни ҳам якдиллик билан қўллаб-қувватлайди.

Докладчи халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг Бошқирдистонда бажарилиш якунлари тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 122 процент ўсди. Химия ва нефть-химия саноати айниқса тез суръатлар билан ривожланди. Бу саноат маҳсулот ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтирди. Республика эндиликда нефть соҳасидагина эмас, балки Совет Иттифоқи химия индустриясининг ҳам асосий марказларидан бири бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалиги анча ривожланди.

Бу фактлар, деб уқтириб ўтади нотиқ, партиямиз ленинча доно миллий сиёсатини ёрқин акс эттиради.

Сўнгра ўртоқ Нуриев республикадаги қийинчиликлар ва ҳал этилмаган масалалар ҳақида гапиради. Янги қувватларнинг суст ўзлаштирилаётганлиги, ишлаб чиқаришнинг интенсивлигини ошириш ва унинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш учун янги техникадаги потенциал имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги — саноатнинг ишидаги жиддий проблемадир. Капитал қурилиш ишларида ҳам жиддий камчиликлар бор. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари ҳам бизни қаноатлантира олмайди. Савдо-сотиқни уюштириш, аҳолига медицина ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида нуқсонлар ҳали кўп. Область партия ташкилоти мавжуд камчиликларни йўқотиш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўради.

Бошқирдистонда саноат ишлаб чиқариши ҳажми янги беш йилликда тахминан 60—70 процент ортади. Биз қишлоқ хўжалигида асосий эътиборни дон етиштиришни кўпайтиришга қаратамиз.

Делегат хомашё ресурсларидан янада оқилона фойдаланишни таклиф этади. У, химия саноати учун хом ашё сифатида хизмат қилаётган углеводородлар ишлаб чиқариш муҳим эканлигини таъкидлайди. Бизнинг фикримизча, СССР Госпланига тегишли министрликлар билан биргаликда углеводород хом ашёси ишлаб чиқариш перспектив планини тузишни топшириш керак. Соф металл ишлаб чиқариш учун Бошқирдистоннинг темир рудаларидан тўғри фойдаланиш проблемаси ҳам жуда муҳимдир.

— Бизнинг делегациямиз,— дейди ўртоқ Нуриев,— республиканинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан партия XXIII съездини ишонтириб айтадики, Бошқирдистон халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани тўла ва ошириб бажарилади.

Киев область, Миронов районидаги Жданов номли колхознинг раиси **А. Г. Бузницкий** съездда сўзга чиқиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми белгилаган программа қандай амалга оширилаётганлигини шу колхоз мисолида кўрсатиб беради. Моддий манфаатдорликнинг оширилиши, планлаштириш масалаларида колхозларга кенг ташаббус кўрсатиш имкониятининг берилганлиги, моддий техника таъминотининг яхшиланаётганлиги — буларнинг ҳаммаси,— деб таъкидлади у,— қишлоқ хўжалик ходимларини ғоят ғайратлантириб юборди. Колхозчилар яхшироқ меҳнат қила бошладилар, ҳосилдорликни, чорвачилик маҳсулдорлигини ва хўжаликнинг рентабеллигини ошириш учун резервлардан мақсадга мувофиқ фойдаланишга киришдилар.

Бизнинг колхозимизда, дейди нотиқ, дон экинларидан гектар бошига ўрта ҳисобда 37,3 центнердан ҳосил олинди, шу билан бирга, 843 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 44,4 центнердан кузги буғдой олинди. 1965 йилда гектар бошига 402 центнер қанд лавлаги ҳосили етиштирилди. Экинзорларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 600 центнердан сут тайёрланди.

(Охири тўртинчи бетда)

Шу кунларда ўз ишини давом эттираётган КПСС XXIII съездида Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуаннинг сўзидан сўнг Ленинград ишчилари ва барча меҳнаткашлари номидан Вьетнам меҳнаткашлар партияси делегациясига КПСС XXII съезди номидаги металл заводининг электр пайвандчиси Н. М. Савинов ҳаяжонли нутқ билан мурожаат қилди. У ўртоқ Ле Зуанга Ленинград ишчиларининг вимпелини топширди. Суратда: вимпелни топшириш вақти.

В. Егоров ва В. Севостьянов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КПСС XXIII СЪЕЗДИ

(Боши учинчи бетда).

Биз март Пленумидан кейин ҳар хил машиналарни кўпроқ ола бошладик. Лекин бу машиналардан баъзиларининг сифати ва иш унуми ҳали паст. Бу гап, аввало, лавлаги ва картошка йиғиштириб оладиган комбайнларга тааллуқлидир. Саноат тупроққа ўғит солиш учун ва чорвачиликда кўп меҳнат талаб этадиган ишларни комплекс механизациялаш учун керакли машиналарни кам ишлаб чиқармоқда. Нотиқ, саноат ишлаб чиқараётган ўғитларнинг кам самара бераётганлигини ҳам уқтириб ўтади.

Ёш галлакорлар авлодини тарбиялаш — энг муҳим вазифадир. Ёш колхозчи ўз ота-оналари, акалари ва опалари меҳнатининг давлат учун катта аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Масалан, ёш сут соғувчи ўз онаси қандай зўр иззат-ҳурмат билан пенсияга чиқарилганлигини кўрганида, колхоздаги меҳнат халққа қанча ноз-неъмат келтираётганлигини ҳис этади.

Мен, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Бузницкий, съездда айтадиган гапим тўғрисида ўйлаб кўрганимда, колхозчиларни пенсия билан таъминлаш юзасидан бир қанча таклифларни ўйлаб қўйган эдим. Аммо, КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладини тинглаганимдан кейин бу таклифларнинг ҳаммаси ижобий тарзда ҳал этилганлигини билдим.

КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик артели янги Устави лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссиясини тузиш тўғрисидаги ва шу йилнинг охирида колхозчиларнинг III Бутуниттифоқ съездини чақириш ҳақидаги қарорини, дейди нотиқ, колхозчилар зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Колхозчиларнинг бу съезди ана шу муҳим ҳужжатни тасдиқлаши керак. Ўртоқ Бузницкий колхоз-кооператив органлари колхоз демократиясини янада мустаҳкамлашга, колхозлараро ишлаб чиқариш алоқаларини кенгайтиришга, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга ёрдам беради, деб ҳисоблайди.

Съезд делегатлари самимий кутиб олган Италия Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ **Луижи Лонго** КПСС XXIII съездига итальян коммунистларининг, Италия ишчилари, деҳқонлари, демократларининг қизғин қардошлик саломини топширади. Меҳнаткашлар, дейди нотиқ, съездингизнинг ишини зўр иштиёқ билан кузатиб турибдилар. Улар бу съезднинг қарорлари бутун дунёда тинчлик учун ва социализмнинг олға ҳаракат қилиб бориши учун курашга катта ҳисса қўшажагини яхши биладилар.

Италияда биз Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни сақлаб қолиш тарафдори бўлган барча кишиларни, тинч-тотув яшашга асосланган янги халқаро муносабатларни қарор топдириш учун, халқларни уруш, очлик ва империализмдан халос қилиш учун интилаётган барча кишиларни бирлаштириш йўлида кураш олиб бормоқдамиз. Биз Италияни Америка Қўшма Штатларига бўйсунишдан халос қилиш учун, Италиянинг Ғарбий Германияни атом қуроли билан қуроллантиришга қарши чиқиши учун, Европада қурол-яроғларнинг қисқартирилишини, ҳозирги мавжуд ҳарбий иттифоқларнинг тугатилишини ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартноманинг тузилишини Италиянинг ёқлаб чиқиши учун курашмоқдамиз.

Шу мақсадлар йўлидаги кураш бутун Европага тарқалмай қолиши мумкин эмас. Ишчилар ҳаракати, Европадаги демократик кучлар бир-бирларининг мустақиллигини ҳурмат қилиб, ўз ҳаракатлари ва курашларини мувофиқлаштириб олиб боришга эришмоқлари керак. Биз Европанинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига, келажагига тааллуқли барча проблемалар юзасидан барча демократик ва прогрессив кучлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришни кўзда тутиб ҳаракат қилиш ниятидамиз.

Европада таъсирчан ҳамкорлик сиёсатини, табиий, социалистик мамлакатларнинг иштирокисиз амалга ошириш мумкин эмас. Бу мамлакатлар тараққиётнинг янги, мукаммалроқ, юксакроқ босқичига қадам қўйдилар. Шу сабабли, биз Совет Иттифоқининг келгуси беш йилликдаги йўллари ва мақсадларини характерлаб берган ўртоқ Брежневнинг докладини зўр иштиёқ билан тингладик.

Докладдан маълум бўлишича, сизларнинг ўзингиз очиб ташлаган қийинчиликлар ва камчиликлар бўлишига қарамай, совет экономикаси шу йиллар ичида юксак суръатлар билан ривожланди ва асосий капиталистик мамлакатлар билан мусобақада ўз имкониятларини кенгайтирди. Янги беш йиллик план янги, янада дадил вазифаларни ва иқтисодий раҳбарликнинг корхоналар мустақиллигини ва шахсий ташаббусни кенгайтиришга асосланган мукаммалроқ методларини белгилайди. Бизнинг фикримизча, буларнинг ҳаммаси социализм идеяларига янги куч бағишлай олади.

Италияда ҳам, деб сўзини давом эттирди ўртоқ Лонго, социалистик ислоҳотлар тўғрисидаги талаб объектив равишда ва тобора зўр бериб илгари сурилмоқда. Ўртоқ Лонго айтдики, ҳар бир партия олдида социализмга эришиш борасидаги ўз йўлини КПСС нинг XX съезди руҳида ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Италия Коммунистик партиясининг ўртоқ Тольятти раҳбарлигида ишлаб чиққан сиёсати унинг Италияга хос шароитларда ишчилар синфи, деҳқонлар, ўрта табақалар ўртасидаги иттифоқни амалга оширишга ва, бинобарин, барча соҳаларда демократияни узлуксиз кенгайтириш ва доим бойитиш учун кураш олиб бориш асосида халқнинг талайгина кўпчилигини социализм томонга ўтказиб олишига имконият туғдиради."

Партиямиз қўлга киритган куч, унинг кенг омма ўртасида қозонган таъсири, дейди сўзининг охирида Италия Коммунистик партиясининг бош секретари, тўғри йўлдан бораётганлигимизни исбот қилади. Биз олдимизда оғир ва қаттиқ кураш турганлигини биламиз. Аммо, сизнинг бутун тарихингиз, сизнинг курашингиз, қўлга киритган муваффақиятларингиз, олдингизда турган янги вазифаларни съездингизнинг зўр ишонч билан қараб чиқаётганлиги бизнинг бутун фаолиятимизда бизга куч ва ғайрат бағишлайди.

— КПСС нинг XXIII съезди,— деди Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Тодор Живков,** — бутун халқаро коммунистик ҳаракат учун, халқларнинг бутун дунёда тинчлик ва социал тараққиёт йўлида биргаликда олиб бораётган кураши учун жуда катта аҳамиятга эга воқеадир.

Болгария коммунистлари совет кишиларининг экономика ва маданиятни ривожлантиришда, космосни ва атом энергиясини эгаллашда эришган катта муваффақиятлари билан астойдил қувонмоқдалар. Совет халқи бу муваффақиятлари билан жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг хўжалик ва ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш учун, бутун дунёда революцион ҳаракатни ривожлантириш учун ҳаммадан кўра кўпроқ иш қилди.

Болгария Халқ Республикаси,— деди нотиқ, — Октябрь революцияси асос қўйган шонли йўлдан 22 йилдан буён бормоқда. Биз шу нарса билан фахрланамизки, Ватанимизнинг тажрибаси ҳам социалистик ижтимоий тузумнинг капитализмга нисбатан бебаҳо афзалликларини ёрқин очиб бермоқда, социализмнинг жозибадор кучини кўпайтирмоқда. Болгариянинг социалистик қурилишда қўлга киритган муваффақиятларида Совет Иттифоқи билан қардошларча ҳамкорлик катта роль ўйнайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида, тенг ҳуқуқлилик, самимий дўстлик ва ўзаро ёрдам асосида қарор топди.

Болгария Коммунистик партияси, деди ўртоқ Живков, халқаро вазиятнинг ривожланишига КПСС нинг XXIII съезди берган баҳога тамомила қўшилади. Кейинги йилларда жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлар 1957 ва 1960 йилларда Москвада ўтказилган кенгашларда чиқарган умумий хулосамизнинг тўғрилигини тасдиқлайди: антиимпериалистик кучлар етарли даражада қудратлидир. Бу кучлар бирлик ва жипслик асосида тинчлик ишини сақлаб қола оладилар ва халқларнинг миллий озодлик учун, демократик ва социалистик ўзгаришлар учун олиб бораётган курашида муваффақият қозонишни таъминлай оладилар. Жаҳон социалистик системаси бу курашда ҳал қилувчи омилдир.

Сиз, совет кишилари инсониятни миллий ва социал зулмдан халос қилиш учун, халқларни ядро ҳалокатидан қутқазиш учун курашнинг асосий оғирлигини ўз зиммангизга олдингиз. Бу нарса сизларга қандай қимматга тушганлигини яхши тушунамиз!

Болгар халқи, деб сўзини давом эттирди ўртоқ Живков, Америка империализмининг Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессияси натижасида совет кишилари ва бутун прогрессив инсониятнинг ташвишига қўшилади. Бизнинг мамлакатимиз Вьетнам халқининг босқинчиларга қарши курашида унга ёрдам кўрсатиб келди ва бундан буён ҳам қўлидан келган қадар катта ёрдам кўрсатаберади.

Биз, дейди ўртоқ Живков, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ва бошқа қардош партияларнинг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати марксча-ленинча бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида тинмай астойдил қилаётган ҳаракатларини табриклаймиз ва биз ҳам бутун жаҳондаги коммунистлар армиясининг энг кўп даражада бирлашиб, жанговарлик қобилиятини ошириши, ўзининг тарихий халоскорлик ва яратувчилик вазифасини бажаришга тайёр туриши учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

Тодор Живков ўз нутқининг охирида улуғ Ленин партияси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига, коммунизм шарафига табрик сўзлари айтди. Ўртоқ Живковнинг сўзи съезд қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Марказий Комитет секретари **Армандо Харт Давалос** КПСС XXIII съездига қардошларча революцион салом йўллади ва унинг буюк вазифаларини бажаришда муваффақият тилади. Бу съездда ҳозир бўлиш, деди у, делегациямиз учун совет халқининг муваффақиятлари билан бевосита танишиб чиқиш ва Совет Иттифоқининг революциямиз учун қилган ҳамма ишлари туфайли совет халқининг вакилларига Куба ишчилари ва деҳқонларининг қизғин миннатдорчилигини изҳор қилиш каби қувончли имконият яратиб берди.

Совет Иттифоқида социализм қурилиши ва унинг фашизм устидан қозонган порлоқ ғалабалари жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган фактлардир. Коммунистик партия раҳбарлигида бунчалик беқиёс зафарларга эришган совет ишчилари ва деҳқонларига бутун инсоният абадий миннатдор бўлади:

Ҳозирги вақтда, деб сўзини давом эттирди нотиқ, уч қитъада революцион ҳаракат ғоят тез суръатлар билан ривожланмоқда. Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг яқинда Гаванада бўлиб ўтган конференциясининг қарорлари революцион ҳаракат учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Арманда Харт Давалос Америка империалистларининг Вьетнамдаги интервенциясини, Вьетнам Демократик Республикасининг жинояткорона бомбардимон қилинаётганлигини қаҳр-ғазаб билан қоралади. Ҳозирги вақтда, деди у, Шарқи-Жанубий Осиёда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жанг қизиб кетганлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Кечиктириб бўлмайдиган энг зарур вазифа, шубҳасиз, шундан иборатки, Жанубий Вьетнамни Миллий фронтининг ватанпарварлик курашига ва Вьетнам Демократик Республикаси душманга қарши олиб бораётган қаҳрамонона курашга қатъий ёрдам кўрсатиш керак.

Совет Иттифоқи, деб таъкидлади нотиқ, Вьетнам Демократик Республикасига моддий ва сиёсий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатмоқда. Бу ёрдам Вьетнам халқининг курашига қўшилган қимматбаҳо ҳисса бўлиб, пролетар интернационализми намунасидир. Ана шу ҳиссани инкор қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

Ўртоқ Харт Вьетнамда империализмга қарши ҳаракатларни бирлаштиришга, социалистик мамлакатларнинг ҳаракатларини, бутун халқаро коммунистик ҳаракатни мувофиқлаштириб олиб боришга чақирди. Бу йўлдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиб бориш зарурлигини пайқаб олмаган кишилар тамомила яккаланиб қоладилар!

Куба революцияси, дейди кубалик меҳмон, бундан етти йил муқаддам эксплуататорларнинг ва чет эл молия олигархиясининг манфаатларига хизмат қилган қонхўр ҳарбий диктатурани тугатди. Революция аграрислоҳотини амалга оширди ва ана шу олигархиянинг ҳамда империализмнинг манфаатларига қаттиқ зарба берди. Ерларимизнинг кўп қисми, саноатимизнинг деярли ҳаммаси, мамлакатнинг асосий бойликлари империализм қўлида эди. Қўшма Штатлар ҳукумати революциямизга қарши ваҳшиёна иқтисодий тадбирлар кўрди, ҳарбий куч ишлатиш билан бизга таҳдид қилди ва ҳатто бизга ҳужум қилди ҳам. Куба халқи ҳаёт-мамот курашига отланди. У, ички контрреволюция кучларини тор-мор келтирди, Плайя-Хиронда Америка империализмини яксон қилиб, Америкада бу империализмни биринчи марта ҳарбий мағлубиятга учратди.

Революция ўзининг қудратли ҳаракатини давом эттира берди. Экономика, маориф, соғлиқни сақлаш ва жамоат ҳаёти соҳаларида муҳим ғалабалар қўлга киритилди. Империализм жиноий иқтисодий блокадани давом эттираётганига қарамай, бу ғалабаларга эришилди. Биз қуролли кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда анча муваффақиятларга эришдик.

Куба Компартияси делегациясининг бошлиғи айтдики, Америка империализми Кубанинг социализм йўлидан ғолибона ҳаракат қилиб боришига халақит беролмади, Кубанинг Латин Америкаси учун революция тимсоли бўлиб қолишига тўсқинлик қила олмади. Халқларнинг социализм ва коммунизм йўлидаги курашини тўхтата оладиган куч йўқ.

Куба халқи ўзининг Коммунистик партияси раҳбарлигида ҳар қандай қийинчилик, машаққат ва қурбонларни писанд қилмай, бутун кучи билан революция иши учун, социализм ва коммунизм иши учун кураша беради.

Делегатлар ва меҳмонлар қаҳрамон Куба вакилини олқишлайдилар.

— Чинакам революционерларнинг ҳаммаси каби, биз испан коммунистлари ҳам Совет Иттифоқига нисбатан самимий муҳаббатимизни изҳор қиламиз. Испания Коммунистик партиясининг раиси **Долорес Ибаррури** шу сўзлар билан съездга мурожаат қилади. Делегатлар уни гулдурос қарсаклари билан табриклайдилар. Биз, испан коммунистлари, деб сўзини давом эттиради у, онани севганларидек, ватанни севганларидек. Совет Иттифоқини севамиз. Бу — ҳиссиётга берилиб кетиш эмас, бизнинг бу туйғимиз революцион, коммунистик, ленинча ахлоқни ифода этади.

Биз ҳамма вақт сизлар билан биргамиз — ҳаёт кулиб қарагандагина эмас, балки революцион жангчиларнинг эътиқодлари барқарорлик синовидан ўтган чоқда ҳам доим сизлар билан биргамиз.

Долорес Ибаррури съезд делегатларига мурожаат қилиб бундай дейди: Испан халқининг кураши тўғрисида гапиришдан олдин бир илтимос билан, дўст ва ўртоқнинг илтимоси билан мурожаат қилишим учун ижозат бергайсиз. Сизлар ўз республикаларингиз, область ва районларингизга қайтиб борганингизда, ўзларингиз ишлаб турган жойларга қайтиб келганингизда ишчиларга, колхозчиларга, барча совет меҳнаткашларига шуни айтингки; барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари каби биз, испан коммунистлари ҳам янги беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилишидан астойдил манфаатдормиз. Чунки биз сизлардан кутаётган бу янги ғалаба СССРдаги барча халқларнинг турмуш даражасини, Советлар мамлакатининг иқтисодий, индустриал ва мудофаа қувватини оширибгина қолмай, балки капиталистик мамлакатларда демократик ва социалистик кучларни ривожлантиришнинг қудратли стимули ҳам бўлиб қолади. социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлайди, халқаро коммунистик ҳаракатни ривожлантиришга ёрдам беради.

Долорес Ибаррури яна айтадики, Испания ҳозирдаёқ ўткинчи даврга, фашист кучлар емирилаётган ва демократик кучлар ўсиб бораётган даврга қадам қўйди. Бу даврнинг демократик оқибат билан тугаши франкочилар режимига қарши курашнинг асосий ташаббускорлари бўлган ишчилар ва деҳқонларнинггина эмас, балки ҳали яқиндагина ана шу режимни қўллаб-қувватлаган, ҳозирги кунда эса туб сиёсий ўзгаришларни очиқдан-очиқ ёқлаб чиқаётган кенг социал қатламларнинг бу курашда иштирок қилишига боғлиқ бўлиб қолади ва ҳозирнинг ўзидаёқ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ишчилар синфининг жанговарлик руҳи испан жамиятидаги турли табақа ва группаларни курашга уйғотмоқда. Нотиқ шу табақа ва группалар орасида Испаниянинг студент ёшларини, испан интеллигенциясининг энг яхши вакилларини кўрсатиб ўтади.

Испания Коммунистик партияси диктатурага қарши курашда франкочиларга қарши барча прогрессив кучларнинг бирлигини доим ҳимоя қилиб келди ва ҳимоя қилмоқда. Испания Коммунистик партияси демократия сари йўл очиб берадиган ўзгаришлар тарафдори бўлган барча кучлар билан бирга боришга тайёрдир. Испания Коммунистик партияси ҳозирдаёқ шу кучларнинг баъзилари билан бирга бормоқда. Коммунистик партия Испания муҳим ўзгаришлар арафасида турибди, деб ҳисоблайди. Ҳозирги кураш фашист диктатураси устидан ғалаба қозониш учун халқимиз авж олдираётган сўнгги жанг эканлигига аминмиз.

Испания Коммунистик партияси, дейди сўзининг охирида бу партиянинг раиси, 1957 ва 1960 йиллардаги халқаро кенгашларнинг ҳужжатлари руҳида халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини тиклашга ёрдам бермоқ учун ўз кучларини аямайди.

Долорес Ибаррурининг нутқи билан съезднинг 31 мартдаги мажлиси тамом бўлди. (ТАСС).

Ташкилий-тарбиявий ишларни яхшилайлик

Область колхоз ва совхозлари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг уч кун давом этган семинари ўз ишини тугатди. Семинарда область партия комитетининг секретари ўртоқ **П. В. Костриков** «Бошланғич партия ташкилотида партиявий-ташкилий ишларни яхшилаш — янги беш йиллик вазифаларини бажаришда асосий омил» деган темада, область партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Р. Мусахонова** «Қишлоқда сиёсий-оммавий ишларни кучайтиришда партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида, Тошкент область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ **Қ. Аҳмедов** «1965 қишлоқ хўжалик йили якунлари ва 1966 йилда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш вазифалари» ҳақида доклад қилдилар.

Семинарда «Полярная звезда» колхози партия ташкилотининг секретари **А. Тё**, 1-«Далварзин» совхози партия комитетининг секретари **Т. Сувонов**, 2-«Оққўрғон» совхози партия комитетининг секретари **С. Ким** ва бошқа ўртоқлар ўз иш тажрибаларидан гапириб бердилар.

Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари «Куйлюксельмаш» заводида ва Тошкент паррандачилик фабрикасида бўлиб, партиявий-ташкилий ишлар билан танишдилар.

ТАСС АХБОРОТИ

«ЛУНА-10» КОСМОСДА

1966 йил 31 март Москва вақти билан 13 соат 47 минутда Ойни янада тадқиқ қилиш программасига мувофиқ, Совет Иттифоқида Ой томонга қараб космик ракета учирилди.

Ракета бортида «Луна-10» автоматик станцияси ўрнатилган.

Станциянинг асосий вазифаси Ой атрофидаги фазони тадқиқ қилиш мақсадида Ой сунъий йўлдошини вужудга келтиришни таъминловчи системаларни ишлаб чиқиш, шунингдек станцияни селеноцентрик (Ой атрофидаги) орбитага чиқариш учун борт системаларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Станция ҳисоблаб чиқилганига яқин траектория бўйлаб ҳаракат қилмоқда.

1966 йил 31 март Москва вақти билан соат 18 да «Луна-10» станцияси Ердан 51 минг километр масофада Ер сатҳининг координатлари 33 градус 16 минут Шимолий кенглик ва 96 градус 6 минут Шарқий узунликдан иборат нуқтаси устида бўлди.

«Луна-10» станциясида ўрнатилган бутун аппаратура нормал ишлаб турибди. Координацион — ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЖАҲОННИНГ ДИҚҚАТИ МОСКВАДА

ПАРИЖ. Франция матбуоти ва жамоатчилиги КПСС нинг Москвада бўлиб ўтаётган XXIII съездини зўр қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Маҳаллий радио ўзининг «сўнгги ахбороти» даги эшиттиришини Кремлдаги Съездлар саройидан олинган янгилик билан бошламоқда. Парижда чиқадиган ҳамма газеталар бугун съезднинг иши тўғрисидаги хабарларни эълон қилганлар.

Съезд делегатларининг нутқларида, деб таъкидлайди «Юманите» газетаси, «ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги ва шунингдек одамларнинг фаровонлигини оширишдаги муваффақиятлар тамомила равшан қилиб тасвирлаб берилмоқда». Айни вақтда, деб ёзади газета, мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар танқид қилинмоқда. «Юманите» газетаси КПСС XXIII съездининг ўзига хос энг муҳим белгисига эътиборни жалб қилиб, бу съезд «интернационал бирдамлик съезди» ҳамдир, деб ёзади. Съезднинг барча қатнашчилари, совет делегатлари ҳам, чет эллик меҳмонлар ҳам, деб ёзади «Юманите»нинг Москвадаги мухбири, «ўзининг ҳаққоний ишининг тантанасига эришишда Вьетнамга ёрдам бериш учун имкони бўлган ҳамма чораларни кўришга қаттиқ бел боғлаганликларини намойиш қилиб кўрсатдилар».

ПХЕНЬЯН. Кореяда чиқадиган «Нодон Синмун» ва «Мин-Чжу Чосон» газеталари КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съездида КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев қилган ҳисобот доклади баёнини босиб чиқарди.

УЛАН-БАТОР. «Унен» газетаси ўзининг бош мақоласида КПСС XXIII съезди ишини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади: КПСС Марказий Комитети Биринчи секретари Л. И. Брежнев томонидан съездда қилинган ҳисобот докладида коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш ишида совет халқи эришган муваффақиятлар якунлаб берилган, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш юзасидан Совет Иттифоқи кўраётган чоралар айтиб ўтилган.

КПСС ва унинг ленинча Марказий Комитети марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализми принципларига содиқлиги, барча турдаги оппортунизмга қарши муросасиз кураш олиб бориб, жаҳон социалистик ҳаракати бирлигини мустаҳкамлашга интилиб келаётганлиги туфайли, деб ёзади газета, социалистик ҳамдўстликнинг қудрати узлуксиз ўсиб, қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик янада ривожланиб бормоқда.

Пировардида, «Унэн» газетаси КПСС нинг барча қардош партиялар бирлигини мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратини Монголия Халқ революцион партияси маъқуллайди, деб ёзади.

ХАНОЙ. Марказий газеталарнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг XXIII съездига ҳисобот доклади баёнини ва съезднинг иши тўғрисидаги ахборотни босиб чиқарди. Докладнинг баёнига газеталар Л. И. Брежневнинг ҳисобот докладидаги: «Вьетнам халқининг қаҳрамонона адолатли кураши букилмас мардлик, матонат ва ғалабага интилишнинг ажойиб намунаси бўлиб тарихга киради, деган сўзларни сарлавҳа қилиб чиқаришган.

Газеталарда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг КПСС XXIII съездига йўллаган табрикномаси ҳам эълон қилинган.

Ханой радиоси съезднинг иши тўғрисидаги ахборотларни кун бўйи мунтазам равишда бериб бормоқда, Л. И. Брежнев доклади баёнини эшиттирмоқда.

Маврикий ороли Улуғ Британиянинг ўз-ўзини бошқарувчи мустамлакаси ҳисобланади. Бу мустамлака шу йил охирида мустақиллик олиши керак. Маврикий оролининг шимолий қирғоғида яшовчи аҳоли қайиқлар тайёрлаш ва балиқ овлаш билан шуғулланади. Суратда: шимолий қирғоқдаги Гранд Гоб қишлоғи.
ТАСС фотохроникаси.

ҲИНДИСТОН МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ҳиндистон мудофаа министри Чаван Ҳиндистон парламентининг халқ палатасида мудофаа эҳтиёжлари учун маблағ ажратишга доир мунозараларга якун ясаб бундай деди: Ҳиндистон ҳар икки мамлакатга ўз муносабатларини тинчлик асосида қуриш имкониятини берган Тошкент Декларацияси қарорларига содиқ бўлиб қолиш ниятидадир. Тошкент руҳидан бош тортиш, деди Чаван, Ҳиндистон ва Покистон учун ҳалокатли оқибатларга олиб келади.

АМЕРИКА ҲАРБИЙЛАРИ ЯНА ҚАРОҚЧИЛАРЧА ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

ХАНОЙ, (ТАСС). Жанубий Вьетнамда, Таиландда ва АҚШ 7-флоти кемаларида жойлашган Америка самолётлари 29 мартда Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасига бостириб кирди ва Куангбинь вилоятидаги аҳоли яшайдиган жойларни ва саноат объектларини бомбардимон қилиб ўққа тутди.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришига кўра, Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлиги алоқа миссиясининг Вьетнамда кузатувчи ва контроль қилувчи халқаро комиссияга йўллаган мактубида Америка ҳарбийларининг агрессив ҳаракатларига қарши кескин норозилик билдирилади ва Вьетнам хусусида 1954 йилги Женева битимлари қарорларини қатъий бажариш талаб қилинади.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

2 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 — Москва телестудияси кўрсатади (тажриба тариқасида). **КПСС XXIII съезди кундалиги.**
17.00—**Телевизион янгиликлар** (ўзбек ва рус тилларида).
Ўзбек тилида: 17.20— **Концерт** (22-сон мактаб ўқувчилари ижросида). 17.45—**Ғазалхон ёшлигим** («Ёшлик» студияси). 18.45—**«Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари** (кинокомедия). 20.15—**Концерт** (Ўзбекистон халқ ҳофизлари ижросида). 20.55 — **Эртаги кун программаси.**

МОСКВА ТЕЛЕСТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
(тажриба тариқасида)
21.00—**КПСС XXIII съезди кундалиги**, 21.20—**Эстрада концерти**, 22.00 — **Киносаёҳатлар клуби**, 23.20—**Узоқ юлдуз нури** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 00.30— **КПСС XXIII съезди кундалиги.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
17.00 дан—**Фрунзе телестудияси кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2 /IV да **Катта концерт,** 3/IV да кундуз **Этик кийган Мушук**, кечқурун **Риголетто.**
ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2, 3/IV да кечқурун **Қирол Лир.**
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/IV да **Гули сиёҳ,** 3/IV да **Икки биланузук.**
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«Лўлилар»** аттракциони ва бошқа томошалар.

КИНО

Лебедевга қарши Лебедев — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 2, 4 ва кеч 9-45 минутда).
Питкиннинг касалхонадаги саргузаштлари — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).
Сунқасд — «ИСКРА» (кеч соат 7 дан).
Тунда ўтган ҳаёт — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).
Ленин Польшада — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).
Уйлангим келмайди — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).
Бир умрга тенг йил —САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9-15 минутда).
Сурайё (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 4 ва кеч 8-40 минутда).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
2 апрелда

катта концерт

СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова, Саодат Қобилова,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Жамол Низомхўжаев, Гулнора Маваева,** Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Михаил Давидов, Эргаш Йўлдошев, Ҳалима Комилова** ва солистлар қатнашади.
Халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.
Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
2, 3 апрелда
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

концертлари

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Фахриддин Умаров, Маҳмуд Муҳамедов,** солистлардан **Манзура Мўминова, Сора Шукурова, Дилбар Абдуллаева, Тўхта Рисметова, Камтар Отабоев** ва бошқалар қатнашади.
Концертлар: 2/IV да — кундуз соат 4 да, 3/IV да кундуз соат 2 да бошланади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
4 апрелда
Ўзбекистон ССР ва Турманистон ССР халқ артисти
Комилжон Отаниёзов
раҳбарлиги ва иштирокида
ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Солистлардан **Гулчеҳра Исмоилова, Шариф Султонов, Отаназар Абдалниёзов, Жуманиёз Собиров, Раъно Жуманиёзова, Ражаб Исмоилов** ва бошқалар қатнашади.
Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232, Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Партия турмуши — В35811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — В33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08273. Г—10.87. ИНДЕКС 64969.